

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2025, № 2 (8)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2025

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхуджаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймахаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари номзоди, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович,
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Бахранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиазарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймухамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институту
Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдунавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Авлаев Камол Рўзиевич БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ҚЎҚОН ХОНЛИГИ БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ	4
2. Адилов Абдор Анварович УРУШНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА СОВЕТ ДИНИЙ СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР	18
3. Алиназарова Дилдора Валишеровна ИЗ ИСТОРИИ ФОТОЖУРНАЛИСТИКИ	34
4. Габриэльян Софья Ивановна ДИПЛОМАТИЧЕСКАЯ БОРЬБА ВОКРУГ ПРОЕКТОВ СТРОИТЕЛЬСТВА ДОРОГ В ИРАНЕ В 1880-1890-е ГОДЫ	50
5. Гюль Таир Играрович РЕЛИГИОЗНАЯ ПОЛИТИКА И МЕЖКОНФЕССИОНАЛЬНЫЕ ОТНОШЕНИЯ В КУШАНСКОЙ ИМПЕРИИ	73
6. Джураева Санабар Нурматовна ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ ТУРИЗМНИ РИВЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	83
7. Ergashev Husan Yusup o'g'li TARIX FANINING RIVOJI UCHUN OLIV BORILGAN ISHLAR VA ULARNING NATIJALARI	93
8. Эгамбердиева Гузаль Акрамжановна ТОРГОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА И ТУРЦИИ В УСЛОВИЯХ СТРАТЕГИИ ДЕЙСТВИЙ	100
9. Ишанходжаева Замира Раимовна СОХРАНЕНИЕ И РАЗВИТИЕ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ В НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА (САГУ) В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ	110
10. Иноятова Дилорам Менглиевна ВЛИЯНИЕ РЕПРЕССИВНОЙ ПОЛИТИКИ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ НА ЖИЗНЬ НЕМЦЕВ ИЗ СРЕДНЕАЗИАТСКИХ РЕГИОНОВ ВО ВРЕМЯ ОТЕЧЕСТВЕННОЙ ВОЙНЫ	118
11. Йўлдошев Салимжон Валиевич ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЙИЛҚИЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ: АНЪАНА ВА ТАЖРИБА	129
12. Raxmanqulova Zumrad Boyxurozovna XX ASRNING 20-80 YILLARI TADQIQOTLARIDA O'RTA OSIYO XONLIKLARI VA USMONIYLAR DAVLATI O'RTASIDAGI IJTIMOIY-SIYOSIY ALOQALARNING YORITILISHI	138

Авляев К. Р.

«Археология ва этнология» кафедраси ўқитувчиси
Ўзбекистон Миллий университети
avlayevkamol@gmail.com

БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ҚЎҚОН ХОНЛИГИ БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИНИНГ АСОСИЙ ЖИХАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Бухоро амирлигининг Қўқон хонлиги билан савдо алоқаларининг асосий жиҳатлари таҳлил қилинган. XVIII-XIX асрлар даврида Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги савдо алоқалари ҳар икки давлатнинг иқтисодий ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган. Ушбу алоқаларда пахта, чой, ипак, ва бошқа қимматли маҳсулотлар билан савдонинг муҳим ролини кўриш мумкин. Мазкур мақолада савдо алоқаларининг тарихий аҳамияти, уларнинг иқтисодий ривожига таъсири ва бошқа муҳим жиҳатлар ёритилган.

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги, савдо алоқалари, пахта маҳсулотлари, ипак, чой, Марказий Осиё, карвон йўллари, экспорт.

КИРИШ

XVIII-XIX асрларда Бухоро амирлигининг қўшни давлатлар билан савдо муносабатлари тарихи тарихий-иқтисодий ва давлатлараро алоқаларни ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган йўналиш ҳисобланади. Бу масала нафақат ички ва ташқи бозорларнинг тузилиши, балки ҳунармандчилик, бозор инфратузилмаси, карвон йўллари, мол айирбошлаш механизмлари, воситачилик институтлари ва молиявий муносабатларни қамраб олади. Мазкур даврда Бухоро амирлиги фақат сиёсий марказ эмас, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам минтақа ва ундан ташқари ҳудудларни боғловчи муҳим марказ вазифасини бажарган.

Мавзининг долзарблиги Марказий Осиёдаги иқтисодий тизимларнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида Бухоро амирлигининг ўрнини чуқур англаш зарурати билан белгиланади. Савдо муносабатлари ва бозор инфратузилмасини ўрганиш, айниқса, амирликнинг Қўқон хонлиги билан бўлган алоқалари орқали минтақа иқтисодиётидаги тармоқлараро боғланишларни ёритиш имконини беради.

Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги савдо ва дипломатик алоқалар ўрганиш жараёнида манба ва адабиётлар чуқур таҳлил қилинди. Улардан қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш лозим В.В.Бартольд,

Н.И.Веселовский, А.А.Семёнов, Я.Г.Гуляев, В.Л.Вяткин каби рус ва совет шарқшунослари, Ф.Ефремов, А.А.Семёнов, А.Л.Кун каби сайёҳатчилари ва диплоаматлари томонидан Бухоро бозорлари, карвон йўллари ва минтақавий иқтисодий алоқалар ҳақида ёзиб қолдирилган қатор маълумотлар алоҳида аҳамиятга эга. Ўз ўрнида амирликнинг иқтисодий ҳаёти Х.Х.Ҳасанхўжаев, А.Р.Муҳаммадов, Ш.Камилов, Р.Эгамов ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари натижалари ҳам ўрганиб чиқилди.

Шу билан бирга, Бухоро амирлигининг хусусан Қўқон хонлиги билан иқтисодий муносабатларини микёсли, тизимли ва қиёсий таҳлилга асосланган ҳолда умумлаштирган илмий тадқиқотлар ҳозирча етарли даражада эмас. Хусусан, сарой институтларининг фаолияти, бозор инфратузилмасининг мураккаб типологияси ва маҳсулот географияси каби масалалар алоҳида ўрганилиши зарур.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади – XVIII-XIX асрларда Бухоро амирлиги билан Қўқон хонлиги ўртасидаги савдо муносабатларини ёритиш, уларнинг йўналишлари, товар тузилмаси, бозор механизмлари ва минтақавий иқтисодий тизимдаги ўрнини кенг қамровли илмий таҳлил орқали очиқ беришдан иборат.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Бухоро амирлигининг Қўқон хонлиги билан савдо алоқалари тарихий муҳим аҳамиятга эга. Бу икки давлат ўртасидаги савдо муносабатлари фақат иқтисодий жараёнлар билан чектаниб қолмай, маданий ва сиёсий алоқаларнинг ривожига ҳам тўғридан-тўғри таъсир кўрсатган. Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги савдо алоқалари, айниқса, XVIII - XIX асрларда ўзига хос ва динамик жиҳатларга эга бўлган, бу алоқалар марказий Осиёдаги турли халқлар ўртасидаги муносабатларни шакллантиришда муҳим роль ўйнаган. Ушбу мақолада мазкур савдо алоқаларининг асосий йўналишлари, ундаги маданий ва иқтисодий таъсирлар ва бу жараённинг тарихи кўриб чиқилади.

Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги ташқи савдо алоқалари Марказий Осиёнинг иқтисодий ривожига ва маданий алмашуви учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу икки давлат ўзаро чегаравий жойлашган бўлиб, улардаги халқлар бир-бирига яқин тил, дин, маданият ва тарихга эга. Бухоро амирлиги, географик жойлашуви ва иқтисодий имкониятлари билан савдо йўналишларида марказий ўрин тутган. Қўқон хонлиги эса Кўҳна Шарқ ва Марказий Осиё савдо алоқаларини боғлаб турувчи асосий йўлак вазифасини бажарган.

Бухоро шахрининг стратегик аҳамияти савдодаги барча мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Жумладан, Бухоро бозорлари кўқонлик савдогарлар учун Ўрта Осиё, Араб мамлакатлари, Ҳиндистон, Афғонистон ва Эрон билан савдо алоқаларини ўрнатиш учун тўғридан тўғри йўлак вазифасини бажарган.

Кўқонлик савдогарлар Бухоро бозорларида тиббий воситалар, зардўзи, турли ёғлар ва бошқа махсулотлар билан савдо-сотик қилишган. Шунингдек, Кўқонлик савдогарлар карвон йўллари орқали Бухоро билан савдо алоқаларини амалга ошириш имкониятлари мавжуд эди. Ўз ўрнида ушбу ҳаракатлар Бухоро амирлигининг жаҳон савдосидаги нуфузини оширишга хизмат қилган.

XVIII–XIX асрларда Бухоро амирлиги Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Қашғар, Россия, Кўқон ва Хива хонликларида келган савдогарлар ўзаро кизгин савдо алоқаларини олиб боровчи йирик иқтисодий марказларидан бирига айланиб бўлган эди.

Кўқонлик савдогарлар Бухоро бозорларида савдо ишлари билан шуғулланиш орқали иқтисодий манфаатларни кўпайтириш ва янги савдо йўллари очиш имкониятига эга бўлишган. Уларнинг Бухоро бозорига чиқиши, Ҳиндистон мато ва ёғлари, Эроннинг сопол буюмлари, Туркиянинг мева ва қандолатлари каби махсулотларни савдога чиқариш имкониятларини яратган. Бухоро ва Кўқон ўртасидаги савдо алоқалари нафақат иқтисодий ривожланишга, балки маданий алмашув ва ҳар икки ҳудуд аҳолисининг ҳаёт тарзига ҳам ижобий таъсир кўрсатган [1].

XIX асрнинг 60-йилларида Бухорода 60 дан ортиқ карвонсарой, 20 дан кўпроқ кичик бозорлар ва 5 та йирик, пишиқ ғишдан қурилган бозор фаолият кўрсатган. Бозорларнинг энг каттаси Регистон майдони яқинида жойлашган бўлиб, у бир неча ўнлаб майда расталарга бўлиниб, ҳар бир раста махсус махсулот тури билан номланган.

XIX асрнинг 70-йилларида Бухоро шаҳри бозорларининг йиллик савдо айланмаси 40 миллион рублга тенг бўлган [2]. Кўқон хонлигидан Бухоро бозорларига хом ипак, ипак газламалари, ярим ипак матолар, калава ип, ҳўл ва қуруқ мевалар, рус темири, чўян ва пўлатдан ясалган буюмлар, Қашғар ипаги ва матолари, шунингдек, Хитой моллари – чой, чинни буюмлар, атторлик махсулотлари ҳамда ипак матолари олиб келинган [3].

XIX асрда Кўқон хонлигида бўлган тадқиқотчилардан бирининг маълумотларига кўра, аср бошларида Кўқон хонлигида ипак ва пахтадан турли хил газламалар ишлаб чиқарилган ва улар бухоролик савдогарлар олиб келган рус махсулотлари билан алмаштирилган.

Шу тарзда, иккала иқтисодий тизимнинг ўзаро муносабатлари ва савдо алоқалари аниқ кўрсатилган бўлади, шунингдек, минтақавий иқтисодий интеграция жараёнлари ва ресурслардан самарали фойдаланиш ҳам илмий нуқтаи назардан яхши тушунтиради [4]. Шунингдек, маълумотларда Қўқон хонлигининг ипакчилик маркази бўлган Марғилонда турли фабрикалар мавжудлиги ва уларда тайёрланган форс парчалари, бахмал ҳамда бошқа газламаларнинг Бухоро ва Қашғар бозорларида катта талабга эга эканлиги таъкидланган.

Бу каби маълумотлар, Марғилоннинг иқтисодий ва савдо муҳитидаги аҳамиятини ва унинг минтақавий савдо тармоқларидаги ўрнини илмий ва тарихий жиҳатдан таҳлил қилишга ёрдам беради. Марғилондаги ипакчилик ва газлама ишлаб чиқариш фаолияти, худди шунингдек, иқтисодий алоқалар ва маҳсулот айланишининг самарадорлигини англатади [4].

XIX асрнинг 60-йилларида Қўқон хонлигидан Бухорога ҳар йили ўртача 1000 туя ипак етказиб берилган ва унинг миқдори 12 минг пуд атрофида бўлган [6]. Ипакнинг энг сифатли тури, “чилла”, 1871 йил август ойида Қўқон бозорларида 52 тилло (197 руб. 60 коп.) нархида савдога чиқарилган, Бухоро бозорларида эса 1110 танга (222 руб.) баҳоланган. Қўқон ипаги ва ундан ишлаб чиқарилган матоларнинг юқори сифати боис, улар Бухоро бозорларида “Шойи Ахси Гузари” номи билан танилган ва Ахси ипаги махсус расмдаги расталардан бирида савдога қўйилган.

Бу маълумотлар, Қўқоннинг ипакчилик саноати ва унинг савдо алоқаларининг тарихий аҳамиятини, шунингдек, Қўқон ипагининг минтақавий бозорлардаги иқтисодий ролини ўрганишга ёрдам беради [7].

Қўқон хонлигининг калаваларига Бухоро бозорларида катта талаб бор эди. 1871 йил август ойида Қўқон бозорида 1-навли Наманган калавасининг пуди 32 тилло (121 руб. 60 коп.) дан сотилган бўлса, Бухоро бозорида эса 30 Бухоро тиллосига (138 руб.) сотилган. Бундан ташқари, Қўқон шаҳрида ишлов берилган калавалар ҳам Бухоро бозорларида харидоргир бўлиб, пойтахт бозорида 1-навли калава 27 тилло (102 руб. 60 коп.) га, Бухоро бозорида эса 25 Бухоро тиллосига (115 руб.) сотилган [7].

Бухоро ҳунармандлари орасида матоларни рангларга бўяш касби ҳам ривожланган бўлиб, кўплаб олиб келинган матолар бу ерда бўятилар эди. XIX асрнинг 20-йилларида Ўрта Осиёда бўлган Е.К.Мейендорф маълумотларига кўра, “қўқонлик савдогарлар Бухорога бўяш учун оқ мато келтирган” [8]. Шунингдек, XIX асрнинг 30-йилларида Бухоро амирлигига Қўқондан гуруч ҳам олиб келинган ва унинг ҳар ботмони 42-44 тангадан баҳоланган [9].

Бухорога Қўқон қоғозининг “иштархони” тури Қўқондан, “абрешим” номли қоғоз тури эса Қўқон орқали Хитойдан келтирилган [10]. Сифатли Қўқон қоғозига бўлган талабнинг юқорилиги сабабли бухоролик ижод аҳли асосан ушбу қоғоздан фойдаланган, ҳукмдорлар эса мактубларини асосан Қўқон қоғозига ёзган. Масалан, амир Ҳайдар (1800–1825)нинг 139 варақдан иборат мактублар тўплами Қўқон қоғозига насталиқ хатида ёзилган [11]. Бундан ташқари, Бухоро амири Музаффарнинг 1868 йил 7 февралда турк султони Абдулазизга ёзган мактуби ҳам хаттот Мулла Воҳид томонидан Қўқон қоғозига насталиқ хатида ёзилган [12].

Қўқон хонлигидан Бухоро бозорларига юк ташувчи ва зотли отлар ҳам олиб келинган. XIX аср 60-йилларда 35 пуд юк ташувчи ва 13-14 пуд юкни кўтара оладиган Қўқон отлари Бухоро бозорларида 5 тиллодан 15 тиллогача сотилган. Қўқонлик савдогарлар одатда Бухородаги Барра карвонсаройида тўхтаган ва савдо билан шуғулланиш имкониятига эга бўлган [9].

Қўқон ва Бухоро хонликлари ўртасидаги савдо алоқаларида Самарқанднинг стратегик аҳамияти катта эди. Самарқанд, Ўрта Осиёнинг муҳим савдо ва маданий марказларидан бири сифатида, Бухоро ва Қўқоннинг савдо йўналишларида муҳим нуқта бўлган. Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон ва бошқа ҳудудлардан келаётган карвонлар Самарқанд орқали ўтган, шу билан бирга, Қўқон ва Тошкентдан Бухорога йўл олган савдо карвонлари ҳам Самарқандда тўхтаган.

Самарқандда Қўқон хонлигидан пилла, хом ипак, ипак мато, қурилган мева каби маҳсулотлар олиб келинган. XIX аср ўрталарида Самарқандда пилла бозори жуда фаол бўлиб, бу бозорда Қўқон пилласига талаб катта эди. Бозор ҳафтада икки марта – чоршанба ва якшанба кунлари ишлаган ва ҳар куни 700 тиллолик, ойига эса 5000 тиллолик пилла савдога чиқарилган [6]. Шунингдек, бозорга Ўратепадан сифатли жун рўмоллари ва чопон, Тошкент ва Хўжанддан эса кигиз олиб келинган [13].

Бу савдо алоқалари Самарқанднинг иқтисодий ривожига ва кўп хил маҳсулотлар билан савдо қилиш имкониятларига катта таъсир кўрсатган. Самарқанд яқинидаги Каттақўрғон бозори Қўқонлик савдогарлар учун муҳим савдо майдони бўлиб, унда ипак ва ярим ипак матолар, шунингдек, Қашғар ва Хитойдан келтирилган маҳсулотлар ҳам савдога чиқарилган. XIX асрнинг 70-йилларида, Каттақўрғон бозорида Қўқондан келтирилган дурия ипак матосининг 3,75 аршини 1 тилло (4 руб.) нархда, шойи 8 аршини эса 5-6 руб.дан сотилган. Бозорда, шунингдек, Қўқоннинг ип газламасидан тайёрланган чопонлар 2–5 руб. дуриядан тайёрланганлари 7-9 руб. шойидан тайёрланганлари эса 10-14 руб. нархда савдога қўйилган. Бу нархлар

кўрсатади-ки, Каттақўрғон бозорида Қўқоннинг юқори сифатли мато ва кийим-кечаклари билан савдо қилиш жуда фаол ва даромадли бўлган [14].

XIX асрнинг 60-йилларида Тошкентдан Бухорога ҳар йили 5-7 минг туя олиб келинган, бу махсулотлар асосан рус моллари ва қозоқ чорва махсулотларидан иборат бўлган. Ҳар бир туя ўртача 120 рублга баҳоланиб, уларнинг жами қиймати 750 минг рублга тенг бўлган [15]. Шунингдек, Тошкентдан Бухорога ҳар йили 100 минг бош қўй-қўзи сотиш учун ҳайдаб борилганлиги таъкидланади. Қўқон хонлигига қарашли Туркистон ва Авлиёота шаҳарларидан ҳам Бухоро бозорларига ҳар йили катта миқдорда чорва ҳайдаб келинган. Бухоролик савдогарлар Туркистондан ҳар йили 50-100 минг атрофида чорва олиб кетган, 1862 йилда эса бу миқдор 240 минг рублга тенг бўлган [16]. 1864 йилнинг 1 майдан 4 июнига қадар, Авлиёота орқали 150 мингдан ортиқ қўй ҳайдаб кетилган [17]. Бу маълумотлар, Бухоро амирлигининг чорва савдоси ва унинг ўзаро савдо алоқаларидаги муҳим ўрнини кўрсатади.

XIX аср бошларига келиб, Қўқон муҳим транзит шаҳарлардан бирига айланган. Бунинг натижасида, Қўқон орқали Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Бухоро давлатларининг ўзаро савдо алоқаларида қўқонлик савдогарлар етакчи ўринни эгаллаган. Хитой муаррихлари қўқонлик савдогарларнинг савдо ишларига бўлган лаёқатини алоҳида таъкидлаганлар [18]. Қашғардан Бухоро бозорларига хом ипак ва ипак матолар, Хитой чинниси, чойи, ипак матолари ва кумуш ёмбилар олиб келинган. 1825 йилда Бухорода бўлган Г.Спаскийнинг маълумотларига кўра, Бухородан Қўқон орқали Қашғарга қоракўл териси олиб борилган. Бу махсулотлар Қўқонга келиб, у ердан хом ипак, ипак матолар, ип-газламалар, Хитой чинниси, чойи, ровоч ва бошқа махсулотлар олиб келинган. Бу савдо алоқалари, Қўқоннинг Буюк Жўтнинг маркази сифатида муҳим роль ўйнаганини кўрсатади [19].

XIX асрнинг 30-йилларида Хитойдан Ёркент ва Қўқон орқали “туқтачой” (ғишт чой) ва “оққуйрук” (қўк чой) навли чойлар от терисидан тайёрланган хуржунларда Бухоро бозорларига 200 минг фунт миқдорида олиб келинган [19]. Бу чойлар, олиб келинишдаги махсус хуржунлар туфайли, асл таъмини сақлаб қолган ва сифати денгиз орқали келган чойлардан анча юқори бўлган.

1862 йилда Ғарбий Хитойда Шарқий Туркистон мусулмонлари Хитой ҳукуматига қарши қўзғолон кўтаргандан кейин, Хитой чойи Янцзи дарёси бўйидаги плантациялардан Ёркент ва Қашғарга, у ердан Қўқон орқали Бухорога олиб келинган [20]. Қашғар ипаги ҳам Қўқон орқали Бухоро бозорларига олиб келинган бўлиб, 1871 йил август ойида 1-навли Қашғар ипагининг пуди Қўқонда 22 тиллога баҳоланган, Бухорода эса 20 маҳаллий

тиллога сотилган [7]. Бу савдо алоқалари Қўқоннинг транзит ҳудуд сифатидаги аҳамиятини янада яққол намоён этади [9, б. 14].

XIX асрнинг ўрталарида Қўқон хонлигининг чегаралари кенгайиб, унинг савдо алоқалари Сибирь сарҳадларигача етиб борди. Бу ўз навбатида қўқонлик савдогарларнинг рус темир ва пўлат буюмларини Бухоро амирлиги бозорларига олиб келишини кучайтирди. Қўқоннинг Оқмасжид қалъаси бозори савдо марказларидан бирига айланди ва ўшанда бухоролик савдогарлар Қўқон савдогарларидан рус ва қозоқ молларини харид қилганлар. 1852 йилда Оқмасжидда Қўқон аскарлари ва 100 кишидан иборат савдогарлар бўлгани ҳақидаги маълумотлар, савдо ҳажмининг катталашиб, ҳар икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланишини кўрсатади [21].

XIX асрнинг 60-йилларида қўқонлик савдогар Содик Едигеров Семипалатинскдан рус молларини олиб келган ва бу савдони Қўқон хонлигига, шунингдек, Хитой, Ҳиндистон ва Бухоро бозорларига ҳам кенгайтирган. Унинг савдо алоқалари, унинг Қўқондан ташқари, турли хил тижорат йўналишларини қамраб олгани ва савдо алоқаларининг кенгайгани ҳақидаги маълумотлар, Қўқоннинг ўз давридаги иқтисодий ва савдо аҳамиятини янада оширган. Содик Едигеров каби савдогарлар Қўқоннинг транзит вазифасини мустаҳкамлаган ва бу савдо йўналишларининг халқаро миқёсда аҳамиятли бўлишини таъминлаган [22]. Бу ҳолат қўқонлик савдогарларнинг Бухоро амирлигининг ташқи савдо алоқаларида муҳим роль ўйнаганини кўрсатади. Қўқоннинг стратегик жойлашуви ва транзит функцияси уларга Бухоро ва бошқа ўзаро савдо минтақалари билан фаол алоқа ўрнатиш имконини берган. Бухоролик савдогарлар учун Қўқон бозорлари даромадли ва манфаатли бўлган, чунки улар орқали турли моллар олиб келинар, шунингдек, ўз махсулотларини Қўқон орқали экспорт қилиш имконияти мавжуд эди. Бунинг натижасида, Қўқон ва Бухоро ўртасидаги савдо алоқалари тикланиб, янада ривожланган ва икки томонлама савдо фаоллашган. Қўқон бозорлари ҳам йил давомида қўқонлик ва бухоролик савдогарларини уюштириш ва уларнинг савдо муваффақиятларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

XIX аср 70-йилларидаги маълумотларга кўра, Қўқон Закотсаройига энг кўп даромад Бухоро амирлигидан келган савдо карвонларидан тушган. Бу, ўз навбатида, Қўқон ва Бухоро ўртасидаги савдо алоқаларининг юқори даражадаги фаоллиги ва ўзаро иқтисодий мўъжазликнинг яқинлигини кўрсатади. Бухоро амирлигидан Қўқонга йўл оладиган савдо карвонлари томонидан олиб келинган махсулотлар, масалан, қўй-қўзилар, чорва махсулотлари, чорва жиҳозлари ва бошқа ҳунармандчилик махсулотлари

Қўқоннинг иқтисодиётига катта ҳисса қўшган. Бу савдо карвонлари Қўқоннинг иқтисодий ривожланишига ва Закотсарой бозорига катта даромад келтиришга сабаб бўлган. Закотсарой бозори эса, ўзига хос савдо ва транзит маркази бўлганлиги учун, Бухоро билан бўлган савдо ҳажмининг юқорилиги айни пайтда муҳим аҳамиятга эга бўлган [23].

Қўқон хонлигида юқори баҳоланган туркман ва Машҳад гиламлари Бухоро амирлиги орқали келтирилгани, ўша даврдаги савдо алоқаларининг қанчалик мустаҳкам ва йирик ҳудудларга тарқалганини кўрсатади [24]. Бу гиламлар қўқонлик савдогарлар орасида жуда машҳур бўлиб, уларнинг ўзаро савдоси орқали савдо ҳажми ва даромаднинг ошганини англатади.

Ғиждувон шаҳрининг Ўрта Осиёдаги энг йирик чорва бозори сифатида аҳамияти юқори эди. Бухоро яқинида жойлашган бу бозорга туркман отлари олиб келиниб, қўқонлик савдогарлар томонидан кўплаб харид қилинган. Бу, Қўқоннинг чорва моллари савдосидаги улушини ва атроф ҳудудлар билан бўлган иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаган.

Бухорога кетаётган савдо карвонлари Тошкентга бориб, Чиноз божхонаси орқали 40 кунда 1 марта катта карвон ўтган. Бу савдо йўллари, ўз навбатида, Қўқон, Бухоро ва Тошкент ўртасидаги савдо карвонларининг фаоллигини ва транзит маршрутларининг стратегик аҳамиятини кўрсатади [25].

XIX аср ўрталарида Бухоро амирлиги ва Тошкент ўртасидаги савдо алоқалари жуда ривожланган ва кўп турдаги моллар мунтазам равишда олиб келинган. Бу савдодан олинган махсулотлар ва моллар айнан Бухоро, Самарқанд, ва бошқа шаҳарлардан келган ва уларнинг иккала томон учун муҳим иқтисодий аҳамияти бор эди.

Бухоронинг Тошкентга ёрдам кўрсатган савдо транзити натижасида пахта, бўз, газлама, чопон ва кўрпа каби махсулотлар, шунингдек, қорақўл ва тулки мўйналари ҳам олиб келинган. Ушбу савдо нархлари ва умумий қиймат, 4 миллион 345 минг рублдан ортиқ бўлган бўлиб, иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашганлигини кўрсатади. Самарқанддан келтирилган қурилиш медалар ҳам муҳим савдо махсулоти бўлиб, Тошкент бозорларида энг қимматли махсулотлардан бири ҳисобланган. Гиламлар, асосан Бухоро амирлигидан келтирилган, Тошкентда ноёб махсулот сифатида савдога қўйилган. Бу савдо муносабатлари ёрдамида иккала ҳудуднинг иқтисодий ҳолати ва ташқи савдо йўлларига таъсир қилган [26].

XVIII ва XIX асрларда Тошкент бозорларида савдо айнан Бухоро, Қарши, Самарқанд ва бошқа ҳудудлардан олиб келинган турли моллар орқали амалга оширилган. Масалан, Қарши тузи, XVII–XIX асрларда “Самарқанд тузи” сифатида машҳур бўлиб, савдога чиқарилган. Қарши тамакиси ҳам ўша даврда таниқли бўлиб, Тошкент, Хива ва Қўқон каби шаҳарларга олиб

келинган [27]. Тошкентдаги Исабек, Мулла Амамбай Раис каби карвонсаройлар савдогарлар учун муҳим тўхташ жойлари бўлиб, ушбу жойларда Бухоро амирлиги савдогарлари ҳам тўхтаган ва савдо билан шуғулланганлар [16]. Савдо ва махсулотларнинг юқори баҳоланиши, ҳудудлар орасидаги транспорт алоқаларининг ривожланиши ушбу минтақадаги иқтисодий фаолиятни кучайтирган. Россия империяси томонидан Қўқон ва Бухоро хонликларининг бир қисми босиб олинган, савдо алоқалари сезиларли даражада ўзгарган. Бу даврда икки давлатнинг савдогарлари Россия империяси ҳудудида бож тўлашга мажбур бўлган ва савдо алоқаларига таъсир этган. Масалан, Қўқон ва Бухоро савдо карвонлари Хўжанд орқали ўта бошлаган, бу эса Хўжанддаги божхонага катта даромад олиб келган.

XIX асрнинг 60-йиллари иккинчи ярмида, Хўжанд орқали Бухоро амирлигидан Қўқон хонлигига 7 минг 500 туяда мол келтирилган [26]. Бу савдо йўллари орқали мавжуд бўлган карвонлар Хўжанд божхонасига бориб, савдога кўмаклашган. Хўжанд босиб олинганидан кейин, божхонада Қўқон – Бухоро савдо карвонларидан сезиларли миқдорда бож йиғилган. Масалан, 2,5 ой ичида 13 минг 141 рубль бож олинган [25]. 1866 йилда бу миқдор 22 минг 950 рубль 81 копейкага, 1872 йилда эса 22 минг 950 рубль 80 копейкага етган [28].

Ушбу маълумотлар Қўқон ва Бухоро ўртасидаги савдо алоқаларининг Хўжанд божхонаси орқали қандай иқтисодий аҳамиятга эга бўлганини кўрсатади. Шундай қилиб, божхонадаги тўловлар ва солиқлар бу савдо муносабатларининг муҳими ҳисобланган ва икки давлат ўртасидаги савдо тизимининг тартибини таъминлаган.

XIX асрнинг ўрталарида Қўқон ва Бухоро ўртасидаги савдо алоқалари бир қанча аҳамиятли йўллар орқали амалга оширилган. Савдогарлар Ўратепа ва Жиззах орқали ўтадиган йўллардан ҳам фойдаланган ва бу шаҳарларда бож тўланган. Архив ҳужжатларида ўша даврдаги савдогарлар ва уларнинг олиб ўтган махсулотлари ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд. Масалан, 1865 йилда Дўстмуҳаммад исмли савдогар Ўратепа орқали Қўқон хонлигига ипак мато, қурилган ўрик ва бошқа молларни олиб ўтган. Шундан келиб чиқадиган бўлган, савдо махсулотлари кўпинча турли хил бўлиб, махсулотлар ушбу йўллардан дистрибьюторлар орқали узатилган [29].

Ўратепа божхонасидан 1868 йилда 7 минг 309 рубль 70 коп. миқдорида бож йиғилган, бу эса икки давлат ўртасидаги савдо муомаласининг янада катталашганини ва йил давомида изчил равишда амалга оширилганини кўрсатади [30].

Қўқон-Бухоро савдо карвонлари қатор ҳудудлар орқали савдо қилишган ва ҳар йили май ойи охиридан июнь ойи бошларига қадар 700–800 туя олиб борилган. Бухоро моллари Қўқонга арава ва туяларда, Қўқондан Қашғарга эса отларда олиб борилган. Бу савдо йўллари, шунингдек, Бухоро моллари Қашғаргача, ҳатто Тибетгача етганини кўрсатади.

Шу билан бирга, бу савдо карвонлари ва йўллари ўртасида катта миқдордаги божлар йиғилгани ҳам кўрсатилган, бу божхона тизимининг савдо фаолиятига ёрдам берганини англатади [8].

XIX аср бошларида, Қўқон хонлигида бўлган Мир Иззат Улланинг ёзишича, Бухородан Қўқон орқали Ёркентга “ўзбек ва тожик” савдогарлари маржон, Бадахшон ферузаси, қоракўл ва тулки мўйнаси олиб келганлар. Бу савдолар Қўқоннинг стратегик жойлашуви ва транзит мақоми сабабли амалга оширилган.

Шунингдек, Ч.Ч.Валихоновнинг маълумотларига кўра, Қашғарда Бухоро матолари ва қоракўл махсулотларига катта талаб бўлган [31]. Бу махсулотлар Қашғарга Қўқон орқали кўп миқдорда олиб келинган. Демак, Қўқон хонлиги савдогарлари Бухоро амирлиги ва бошқа мамлакатлар билан савдо алоқаларини мустаҳкамлаб, узоқ масофаларга махсулотларни олиб бориш ва келтириш орқали иқтисодий аҳамиятга эга бўлган [32].

XIX аср бошларида Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги савдо алоқалари янада кучайган, шунингдек, Қўқон орқали рус моллари Қашғарга олиб келина бошланган. 1825 йил маълумотларига кўра, бухоролик савдогарлар Қўқон орқали Қашғарга йилига 500-600 туяда рус молларини олиб борганлар [33]. Бу савдо алоқаларининг ҳашаматли ўсишига сабаб бўлган асосий омил, Хитой ҳукумати Ғулжа орқали рус молларининг Қашғарга келишини тўсиб қўйгани эди.

Шунингдек, Қўқон хонлиги Хива хонлиги билан ҳам савдо алоқаларига эга бўлса-да, бу алоқалар асосан Бухоро амирлиги бозорлари орқали олиб борилган ва карвон йўллари орқали савдо қилинган. Қўқон ва Хива ўртасидаги савдо кўпинча Бухоро хонлиги ҳудуди орқали амалга ошган, бу икки давлат ўртасидаги савдо йўллариининг асосий нуктаси бўлган.

XIX аср бошларида Қўқон хонлигининг ҳудудлари кенгайиб бориши натижасида қозоқ даштлари орқали Қўқон ва Бухоро хонликлари чегаралари туташган. Бу, ўзаро тўғридан-тўғри савдо алоқаларини олиб бориш имкониятини яратди. Аммо, савдо муносабатларининг ривожига салбий таъсир кўрсатган бир қатор муаммолар ҳам мавжуд эди. Буларнинг асосий сабаби, мазкур ҳудуддан ўтган карвон йўллариининг узоқлиги, ноқулай шароити ва савдогарлар учун хавфли бўлиши эди. Узун ва мушкул йўللار, қишлоқ ва тўқнашувлардан қочиш зарурати, савдогарлар учун

кийинчиликлар яратган, бу эса савдо алоқаларини чеклашга ва ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатган.

ХУЛОСА

XVIII - XIX асрларда Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги савдо муносабатларини таҳлил қилиш натижасида, Бухоро амирлигининг Марказий Осиё иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган халқаро савдо марказига айланишини таъкидлаш мумкин. Бу ҳолат амирликнинг географик жойлашуви билан узвий боғлиқ бўлиб, у Шарқ ва Ғарб ўртасидаги боғловчи нукта вазифасини ўтаган ва савдо оқимлари ҳамда маҳсулотлар алмашинувини тезлаштиришга туртки берган.

Бир томондан, Қўқон хонлигидан келган маҳсулотлар ва савдогарлар халқаро савдо бозорларига чиқиш имкониятига эга бўлишган, бу эса қўқон маҳсулотларининг минтақадан ташқарига тарқалишига ёрдам берган. Қўқон, юқори сифатли маҳсулотларга эга бўлиб, савдо жараёнларида муҳим иштирокчига айланди ва унинг маҳсулотлари Бухоро бозорларида юқори баҳоланган. Бунинг исботи сифатида маҳаллий бозорлар ва олиб келинган маҳсулотларнинг тур хиллиги исботлайди.

Иккинчи томондан, Қўқон бозори Бухоро амирлиги учун фақат муҳим савдо ҳамкори бўлиб қолмай, балки Бухоро маҳсулотларининг Шарққа чиқиш учун кўприк вазифасини ҳам ўтаган. Икки давлат ўртасидаги ўзаро савдо алоқалари маҳсулотлар сифатига ижобий таъсир кўрсатиб, маҳсулот айланишини оширган ва халқаро миқёсда иқтисодий манфаатларни мустаҳкамлаган.

Шунингдек, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги яқин ва ўзаро манфаатли савдо алоқалари, икки томоннинг иқтисодий ва маданий алмашинуви ўсишини таъминлаган. Бу жараён ҳар икки давлатнинг Марказий Осиёнинг савдо тармоқларидаги ўрнини мустаҳкамлаб, минтақанинг тарихида сезиларли из қолдирган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Путешествие Мир Иззат Уллы в Кокандское ханство в 1812 году / Труды САГУ. История Средней Азии и Узбекистана. Новая серия. 1956. Вып. LVXXVIII. Кн. II. – С. 48.
2. Петровский Н. Моя поездка в Бухару. – Т., 1872. – С. 237.
3. Вельяминов-Зернов В. В. Сведения о Коканском ханства.... – С. 131.
4. Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – СПб., 1821. – С. 49, 74.

5. Фармонова Б. Ремесленное производства в Ферганской долине во второй половине XIX – начале XX в.: Дисс... канд. ист. наук. – Т., 1995. – С. 101.
6. Петровский Н.О. О шелководстве и шёлкомотании Средней Азии. – Т., 1873. – С. 43, 33.
7. От Ташкентского ярмарочного комитета. Торговое обозрение // Туркестанские ведомости. 1871. – №31.
8. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – Москва, 1975. – С. 128 – 130.
9. Записки о Бухарском ханстве.... – С. 76, 58 – 59, 80-81, 105
10. Ремпель Л.И. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. – Т., 1982. – С. 250.
11. Тилавов Ш. Амир Ҳайдар мактублари тарихий манба сифатида // Шарқшунослик. – Тошкент, 1997. – №8. – Б. 12.
12. Раҳмонқулова З.Б. XVI – XX аср бошларида Ўрта Осиё ва Усмонийлар давлати ўртасида ижтимоий сиёсий ва маданий муносабатлар тарихи: Тарих фан. номз.. дисс. – Т., 2002. – Б. 78.
13. Саидкулов Т.С. Самарканд во второй половине XIX – начале XX в. – Самарканд, 1970. – С. 31.
14. Радлов В. Средняя Зеравшанская долина // Туркестанский сборник. Том 281. 1880. – С. 48.
15. История Ташкента. – Т., 1988. – С. 93.
16. Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи.... – С. 28.
17. ЎзР МДА, И. 1-фонд, 27-рўйхат, 714-иш, 8-варақ.
18. Описание Чжунгарии и Восточного Туркестана в древнем и нынешнем состоянии. – СПб., 1829. – С. 150.
19. Бунаков. Е.В. Политические и экономические связи Восточного Туркестана и Средней Азии с правление Якуб-бека Кашгарского (1865 – 1877): Дисс... канд. ист. наук. – Т., 1973. – С.19.
20. Туркестанский сборник. Том 26. – С. 101.
21. Макшеев О.А. Описание низовьев Сыр-Дарьи // Морской сборник. – №9. – СПб., 1856. – С. 509.
22. Махкамов А.А. Роль города Коканда в развитии экономические связей.... – С. 27.
23. Энгельгартдъ Н. Очерки Коканда // Туркестанский сборник. Том 458. 1908. – С. 47.
24. Валиханов Ч.Ч. Описание нескольких монет улуса чагатай, Хивы и Коканда.... – С. 189.

25. ЎзР МДА, И. 1-фонд, 20-рўйхат, 2940-иш, 66-варақнинг орқаси
26. Гейнс А.К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве.....
– С. 513, 524.
27. ЎзР МДА, И. 1-фонд, 34-рўйхат, 172-иш, 27, 29-варақ.
28. Мирбабаев А.К. Исторические наследие Худжанда. – Душанбе, 1995.
– С. 103.
29. ЎзР МДА, И. 336-фонд, 1-рўйхат, 104-иш, 1-варақнинг орқаси. 4-
варақ.
30. Мухтаров А. Очерк истории Ура-Тюбинского владения в XIX в. –
Душанбе, 1964. – С. 86. 89
31. Мамедова Э. Из истории взаимоотношений Туркестанского края и
Синьцзяна: Дисс... канд. ист. наук. – Т., 1963. – С. 54-55.
32. Валиханов Ч.Ч. О торговле Кашгарской– С. 279
33. Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII – первой половине XIX века:
ремесла.... – С. 106.

Авлаев К. Р.

Преподаватель кафедры «Археологии и этнологии»

Национальный университет Узбекистана

avlayevkamol@gmail.com

ОСНОВНЫЕ АСПЕКТЫ ТОРГОВЫХ ОТНОШЕНИЙ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА И КОКАНСКОГО ХАНСТВА

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются основные аспекты торговых отношений Бухарского эмирата с Кокандским ханством. В XVIII-XIX веках торговые связи между Бухарским эмиратом и Кокандским ханством играли важную роль в экономическом развитии обеих стран. Эти отношения включали торговлю такими ценными товарами, как хлопок, чай, шелк и другие. В статье рассматриваются историческое значение торговых отношений, их влияние на экономическое развитие и другие важные аспекты.

Ключевые слова: Бухарский эмират, Кокандское ханство, торговые отношения, хлопковые товары, шелк, чай, Центральная Азия, торговые пути, экспорт.

Avlaev K. R.

Lecturer at the department of «Archeology and ethnology»
National university of Uzbekistan
avlayevkamol@gmail.com

MAIN ASPECTS OF TRADE RELATIONS BETWEEN THE BUKHARA EMIRATE AND THE KOKAN KHANATE

ABSTRACT

This article analyzes the main aspects of the trade relations between the Bukhara Emirate and the Kokand Khanate. In the XVIIIth-XIXth centuries, trade relations between the Bukhara Emirate and the Kokand Khanate played an important role in the economic development of both states. These relations involved the trade of valuable goods such as cotton, tea, silk, and others. The article discusses the historical significance of these trade relations, their impact on economic development, and other important aspects.

Keywords: Bukhara emirate, Kokand khanate, trade relations, cotton products, silk, tea, Central Asia, trade routes, export.

Адилов А. А.

«Ўзбекистоннинг энг янги тарихи» кафедраси доценти., т.ф.н.
Ўзбекистон Миллий университети
Adilov_A@gmail.com

УРУШНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА СОВЕТ ДИНИЙ СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Иккинчи жаҳон уруши йиллари даврида совет давлатининг динга бўлган муносабати масаласи таҳлил этилган. Мақолада мазкур даврда Ўзбекистонда кечган жараёнлар, диний бошқарма очилиши билан боғлиқ масалалар, совет ҳукуматининг бу борадаги позицияси очиб берилган.

Калит сўзлар: уруш, совет, дин, Ўзбекистон, СССР, Ўрта Осиё ва Қозоғистон.

КИРИШ

СССРда уруш даврида юзага келган диний вазият билан боғлиқ ҳолатни “назоратда сақлаш”, қолаверса православ черковидан ташқаридаги мавжуд конфессиялар, жумладан ислом дини билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш борасида СССР ХКСнинг 1944 йил 19 майдаги 572-қарори билан ХКС ҳузурида СССР Диний ишлар бўйича кенгаш ташкил этилади. Унга Давлат хавфсизлиги Халқ комиссари полковниги И.В.Полянский 1944-1956 йиллар давомида бошчилик қилади[1]. Полковник И.В.Полянский 19 майдан – 6 июнга қадар бу янги ташкил этилган ташкилий қисқа муддат раислик қилган подполковник К.Зайцевнинг ўрнига келади. И.В.Полянский бир вақтнинг ўзида СССР Давлат хавфсизлиги халқ комиссарлигининг “О”, яъни рухонийлар орасида тезкор иш олиб бориш бўлими бошлиғи ўринбосари ҳам эди[2].

1944 йили 29 майда мазкур кенгаш иш низоми тасдиқланди. 1944 йил 19 ноябрда эса СССР ХКС ҳузуридаги Диний ишлар бўйича кенгашнинг “Диний эътиқод ибодат уйлари очиш тўғрисида”ги қарори тасдиқланди. Унга кўра, ибодат уйлари очилиши бўйича барча ташкилий масалалар диний кенгаш ва унинг вакиллик органлари зиммасига юклатилинди[3].

СССР Диний ишлар бўйича кенгашнинг тавсиясига кўра, жойларда жумладан, Ўзбекистонда ҳам ушбу ташкилий бўлимни очилиши билан боғлиқ ташкилий ишлар бошланди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон ССР ХКСи

СССР ХКСнинг 29 май 1944 йилдаги 628-сонли қарори ва Диний ишлар бўйича кенгашнинг 1944 йил 9 июндаги кўрсатма хатида белгиланган вазифаларни амалий жиҳатдан бажариш мақсадида 3-августдаги 919-сонли қарори билан Ўзбекистон ХКС хузурида Диний ишлар кенгашнинг Ўзбекистон ССРдаги вакиллик органи ташкил этилди. Аввал бошида 4 та штат бўлган ушбу органнинг раҳбари И.И.Ибодов номли шахс бўлган[4].

СССР Диний ишлар бўйича кенгаши ўз иш фаолиятида ҳам ҳали кўплаб ташкилий-ҳуқуқий, норматив ҳужжатлар ишлаб чиқмагани боис Ўзбекистон ССР ХКСнинг юқорида таъкидланган 919-сонли қарори билан СССР Диний ишлар кенгашининг Ўзбекистон ССРдаги вакиллик органи зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилди: дин борасида СССР ХКС қонун ва қарорларини амалий ҳаётга ўз вақтида ва тўғри татбиқ этиш бўйича назорат ўрнатиш, ЎзССР ХКСга диний ишлардаги ҳолат бўйича доимий равишда маълумот ва хулоса бериб бориш, маҳаллий совет органлари томонидан мавжуд ибодат уйлари ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ жиҳатлар, уларнинг сони тўғрисида маълумотлар бериш[5]. шулар жумласидан, И.И. Ибодов қўйилган масалалар махфийлиги нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда, тегишли лавозимларга давлат хавфсизлиги орқали кадрлар танлаб олиниши лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди. Қолаверса, мавжуд муаммолар фақат Ўзкомпартия МҚ область партия комитетининг биринчи секретари ихтиёрига тақдим этилиши, тегишли масала республика Диний ишлар бўйича вакиллик органи ихтиёрига ҳам тақдим этилиши керак бўлган. СССР Диний ишлар бўйича кенгаш томонидан умумий иш инструкцияси нисбатан кечроқ, 1945 йил 17 январда мазкур кенгаш Марказий аппарати йиғилишида тасдиқланиб, кейинчалик бу ҳужжат ўн йиллар давомида асосий иш юритиш йўриқномаси вазифасини ўтаган[6].

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат ва дин муносабатларини мувофиқлаштириш борасида янги ташкил этилган муассасалардаги кадрлар аксарият давлат хавфсизлиги офицерлари, ижтимоий-гуманитар соҳасидаги мутахассислардан иборат бўлиб, уларнинг компартия аъзоси бўлиши эса муҳокама этилмайдиган мавзу бўлган. СССР бўйича 1945 йил ойига келиб жами 10243 диний масканлар мавжуд бўлиб, улардан 500 таси ислом динига, 433 таси - протестантликка, 1704 таси - католик, 105 таси яхудийликка тегишли бўлган. Жами 1943-1945 йилларда СССР ХКС томонидан диний ташкилотлар масаласига оид 20 га яқин қарор ва кўрсатмалар эълон қилинган. Улар орасида черковларни очиш (1943 й. ноябрь), Давлат банкидаги епархия ҳисоб китоби, руҳонийларни ҳарбий чақирув ва

мобилизациядан озод қилиш (1944 й. ноябрь), диний ибодат уйлари очиш тартиби тўғрисида (1944 й. декабрь), диний жамоаларга ижара масаласида юридик шахс даражасини бериш, қурилиш, уй-жой, транспорт, маиший товарлар олди-сотдиси тўғрисида (1945), епархия бошқармаси қошидаги корхона ва монастырлардан келадиган даромадга солиқ солиш (1945) ва бошқаларни қайд этиш мумкин[7].

Яна бир ҳолатга эътиборни қаратиш лозим бўлади. Маълумки, Ўзбекистон ҳудудидаги исломдан кейинги ўринда турувчи эътиқод вакиллари - бу православ христианлар черкови эди. СССР ХКС ҳузуридаги Рус православ черкови ишлари бўйича Кенгашнинг низомида қайд этилган 4-бандига мувофиқ (мазкур Низом СССР ХКСнинг 1943 йил 7 октябрдаги 1095-сонли қарори билан тасдиқланган эди - муаллиф) Ўзбекистон ССР ХКС ҳузурида Рус православ черкови ишлари бўйича ўзининг ишончли вакилини тайин этган эди. Бу орган Ўзбекистон ҳудудидаги фақат православ черкови билан боғлиқ ишларгагина масъул бўлган. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Рус православ черковининг Ўзбекистон ССРдаги ишончли вакили сифатида сталинча режимга садоқатли эски большевиклардан бири бўлмиш А.И.Степанов (1882-1951 йй.) тайин этилган[8].

Кейинчалик 1959 йил 22 декабрдаги ХКСнинг №962-сонли қарорига кўра Ўзбекистондаги диний вакиллик органи битта органга бирлашди, яъни, ЎзССР Министрлар совети ҳузуридаги Диний ишлар ва Рус православ черкови ишлари бўйича бошқармаси ташкил этилди[9].

Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси 20-30 йилларда “янгиланган” ва “эски эътиқод мухлислари” ўртасидаги кўплаб зиддиятларга, қолаверса 20-йиллар охирларидан “худосизлик” кампанияси гирдобига дучор бўлди. 1936 йил митрополит Арсенийнинг вафоти боис епархия “Тошкент ва Ўрта Осиё” ва “Олма-ота ва Қозоғистон” қисмларига бўлиниб кетди. 1937 йил архиепископ Тихон (Шарапов)нинг қатағонга учраб, отиб ташланиши боис бу иккала епархия ўз фаолиятларини деярли тўхтатиб қўйдилар[10].

Қайд этиш лозимки, республикада Самарқанддаги православ черковидан ташқари биронта ҳам амалий фаолият кўрсатилаётган православ черкови ҳам йўқ эди. 1943 йил эса давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни ўзгариши боис Тошкентда илк бора Успенский православ собори Госпиталь бозори ёнида расман ўз ишини бошлаб, кейинчалик кафедрал собор даражасини олади. 1944 йил Тошкентга Куйбишев архиепископи Алексей (Палицин) епархия ишини бошқариш учун юборилган эди. 1943-1945 йилларнинг ўзидагина 11 та черков ва ибодат масканлари очилади. Булар орасида Тошкентда кафедрал собори (1945), Александр Невский черкови (1944), Тошкент областида: Мирзачўлдаги ибодат уйи (1945), Солдатское станцияси

(1943), Сталинское кишлоғи (1943), Янгийўл (1944), Олмаликдаги черков (1946), Троицкое кишлоғи (1944)даги черковлар, Самарканд областидаги ибодат уйи (1944), Деновдаги ибодат уйи (1945), Қўқондаги ибодат уйи (1945), Андижондаги черков (1945) ва бошқаларни таъкидлаш мумкин. Натижада шу даврда черковлар сони 6 бараварга ошган[11]. 1946-1953 йилларда епископ Гурий православ черкови ишларига раҳбарлик қилади. Айнан унинг даврида рус православ черкови фаолияти янада жонланиб, минтақада 66 та черков фаолияти йўлга қўйилади. Епископ Ермоген (Голубев) (1953-1960) эса зиддиятли 50-йиллардаги динга қарши янги кампания вақтида черков ишларига раҳбарлик қилади. Айнан унинг даврида Успенский собори қайта таъмирланиб, кенгайтирилади, мураккаб сиёсий вазиятга қарамай, у биронта православ черковнинг ёпилишига йўл қўймайди[12]. Шубҳасиз, православ черкови бевосита марказ ҳомийлиги, ёрдами ва тегишли таъсири остида ҳам бўлганлигини унутмаслик керак. Рус православ ишлари Ўзбекистон ССР ХКС, кейинчалик Министрлар Совети қошидаги Рус православ черкови ишлари вакиллик органига бўйсунган.

Таъкидлаш лозимки, 1944 йили совет давлатининг мусулмонлар масаласидаги сиёсатида янада ижобий томони бурилиш рўй беради. 1944 йил 25-28 майда бўлиб ўтган Кавказорти мусулмонлари йиғилишида янги – Кавказорти мусулмонлари диний бошқармаси (ДУМЗАК) ташкил этилганлиги эълон қилинди. Унинг раиси этиб шиа мазҳабидан шайхулислом Ализода Охун-оға (1944–1954), ўринбосари сифатида эса сунний Иброҳим Афандизода (1944-1955) сайланди. ДУМЗАК қароргоҳи Боку шаҳрида жойлашди. 1944 йил 20–23 июнда Доғистон АССРнинг Бўйноқ шаҳрида бўлиб ўтган минтақа мусулмонларининг йиғилишида Шимолий Кавказ мусулмонлари диний бошқармаси ташкил этилди (ДУМСК). Унинг биринчи муфтийси этиб Хизркади Гебеков (1944–1950) тайинланди. Диний бошқарма идораси 1975 йилгача Бўйноқда, 1975 йилдан ўз фаолиятини Махачқалъада (Доғистон АССР) давом эттирди[13].

Янги ташкил этилган диний ташкилотлар, 30–йиллар қатағон–зўравонлик сиёсатини ўз тақдирларида синовдан ўтказган дин арбоблари, “худосизлик” ғояларини ҳам эсдан чиқармаган, “сталинча” шахсга сиғиниш давридаги омма, фашизмга қарши курашдаги кескинлик, қаҳатчилик, йўқчилик, умуминсоний қадриятларга интилиш – буларнинг барчаси уруш даври – реал картинасини ўзида ифода этар ва мавжуд тузум чегарасидан нари чиқишига йўл қўйилмас эди.

Мана шундай мураккаб ва зиддиятли давр чиғириқларига қарамай, диний арбоблар баъзи ҳолларда мафкуравий жихатдан “зарарли ва реакцион” деб топилган анъаналар, диний атамаларни яна ортга қайтариш тўғрисидаги

мулоҳазалар билан ҳам ўртага чиқа бошлашди. Шундай арбоблардан бири – Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси, муфтий Эшон Бобохон Абдулмажидхонов эди. Эшон Бобохон давлат ва дин ўртасидаги муносабатларда кескинлик анча пасайиб, нисбатан “илиқлик” даври юзага келганлигини эътироф этган ҳолда, қолаверса СССР ташқи сиёсати йўналишларидаги ўзгаришларни англаган ҳолда иттифокда биринчи бўлиб мусулмонларин ҳаж ибодатига бориш амалларини тиклаш ва унга рухсат бериш тўғрисидаги таклифини ўртага ташлади. Бу муфтий Эшон Бобохоннинг юксак ва принципитал арбоб сифатидаги позициясидан дарак берар эди. Бу борада 1944 йил 25 августда СССР Диний ишлар бўйича Кенгаш раиси И.В.Полянскийга мазкур масала бўйича расман мурожаат қилди[14].

Қайд этиш лозимки, “худосизлик” сиёсати боис совет мусулмонларининг ҳажга бориш маросими 30–йиллар бошидаёқ ниҳоясига етган эди.

Шуни ҳам алоҳида эътироф этиш лозимки, муфтий Эшон Бобохон Абдулмажидхоновнинг совет раҳбарияти, шахсан И.В.Сталиннинг олдида, умуман Шарқ мусулмонлари орасида обрў–эътибори юксак даражада эди. Бир вақтнинг ўзида моҳир ташкилотчи ва дипломат, зукко ва салоҳиятли арбоб бўлиши Эшон Бобохон улкан ҳаётий тажрибага эга шахс сифатида коммунистик мафкура тўла ҳукмрон бўлган давлатда кечган фаолиятида моҳирона равишда сиёсий йўл тутди[15].

Архив маълумотлари, тадқиқотчилар изланишлари, тегишли адабиётларда Диний ишлар бўйича кенгаш раиси И.В.Полянский Эшон Бобохон билан шахсий мулоқотга эгалиги, ташкилотчи ва зеҳнли диний арбоб сифатида ҳурмат қилиниши ҳам қайд этилади.

Масала моҳиятини эътироф этган ҳолда тарихий воқеликка қайтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Маълумки, ўз вақтида СССР ёш Саудия давлати суверенитетини жаҳонда биринчилардан бўлиб тан олган эди. Бу борада 1926 йил 16 февралда шу юртдаги бош консул Карим Ҳакимов орқали юборилган расмий мактуб ҳам унинг тасдиғи бўлиб хизмат қилди[16]. Дипломатик муносабатлар эса сал аввалроқ 1924 йили 9 августда, яъни Жиддада СССР бош консулхонасининг очилиши билан ўрнатилган эди[17]. 20-йиллар охирида советлар мамлакатада бошланган динга қарши кампания, табиийки Саудия Арабистонини ҳам ташвишлантирмасдан қўймас эди.

Россиялик тарихчи олим, В.В. Наумкин ўз ишида 1932 йили совет давлатидан ҳаж зиёратида умуман ҳеч ким бўлмаганлигини қайд этган[18]. Ҳаж зиёрати амали билан боғлиқ масалалар 1932 йилги подшоҳ Ибн Сауд ва СССР МИҚ раиси М.И.Калинин билан бўлган ишчи ёзишмаларда ҳам ўз аксини топган эди.

Саудия подшоҳи Ибн Сауд ҳаж ва умуман диний амаллар учун СССРдан 10-15 минг атрофидаги мусулмонлар ҳаж зиёратига келишлари мумкинлигини, бу билан советларга ҳеч қандай эътироз бўлмаслигини баён этган эди. Совет давлати ўз навбатида ҳаж совет фуқаролари учун ихтиёрий амал эканлигини ҳам баён этиб, унга бориш-бормаслик ҳар бир инсоннинг шахсий иши эканлигини ҳам зўрама-зўраки ҳолатда таъкидлади. СССРнинг Саудия Арабстондаги ишончли вакили Н.Тўракулов яна “Ҳажга боришда французлар ва инглизлар айбдор, айнан улар Босфор ва Дардонелл бўғозларидан ҳажга борувчи кемаларни ўтказмаётганликларини” ҳам даъво сифатида келтирган эди[19].

Юқоридаги тадбирлар асосида, мустақиллик йилларида, муқаддас қадамжоларда ётган авлиё ва алломаларнинг фаолиятига бағишлаб, ЮНЕСКО раҳбарлигида халқаро аҳамиятга эга бўлган саналар ташкил этилиши билан бир қаторда, илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифа сифатида белгиланди. Бунинг натижасида, Термизнинг 2500 йиллик, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик, Қаршининг 2700, Тошкентнинг 2200 йиллик ёши нишонланди.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбек халқи миллий маънавияти, тарихининг бир қисми бўлган муқаддас зиёратгоҳлар Ўзбекистон тарихи ва маданиятида ўчмас из қолдирган машхур кишиларнинг номлари билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг беқиёс меросини аҳоли орасида тарғиб этиш ҳозирги кунда катта маънавий-маърифий аҳамиятга эга. Республикада етти мингдан ортиқ ёдгорликлар бўлиб, шу жумладан, уларнинг 2500 тасини архитектура ёдгорликлари ташкил этади, уларнинг 2700 дан зиёди археология ва мингдан ортиқ маҳобатли санъат ёдгорликлари давлат ҳимоясига олинган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов томонидан 2008 йил 7 августдаги 938-сонли қарорида муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш, хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида амалга оширилган ишлар нақадар муҳимлигини кўрсатди [2:12-32].

Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида Хивадаги Ичанқалъа кўриқхонасида (1990) ҳамда Бухоронинг тарихий марказида (1993) жойлашган ёдгорликлар, Шаҳрисабз шаҳридаги Темур ва Темурийлар даври меъморий ёдгорликлари (2001) ва Самарқанд шаҳри марказидаги тарихий ёдгорликлар (2002) Халқаро Жаҳон Маданий Мероси Қўмитасига 13 та машхур ёдгорликлар сифатида рўйхатга олинди [3:4-5].

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида 2006-2007 йилларда Ҳазрати Имом диний-меъморий мажмуасида катта миқёсда қайта тиклаш, қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилиб, янги жомеъ масжиди барпо этилди.

Шу билан бирга, XIII-XIX асрларга оид Шайх Зайниддин бобо мақбараси, XV асрга оид Юнусхон, Шайх Хованди Тоҳур мақбаралари, XVI асрга оид Кўкалдош мадрасаси, XIX асрга оид Хўжа Аламбардор мақбараси, Шайх Абулқосим мадрасаси 15-20 йиллар аввалги қиёфасидан тамомила бошқача кўриниш олди. Натижада пойтахт шаҳри ўз тарихий ёдгорликларини

қайтадан тиклади ва миллий меъморчиликнинг энг янги анъаналарида бажарилган шаҳарсозлик ансамбли яратилди [4, б. 80].

“Ҳожа Аламбардор” жомеъ масжидининг ҳозирги биносини қуриш 1993 йилдан бошланиб, 2005 йилда ниҳоясига етказилган. Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг 1998 йил 07 августдаги №:79 сонли гувоҳномаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 1998 йил 21 июлдаги №:09-006856 сонли гувоҳномаси билан рўйхатдан ўтган.

Масжиднинг ҳозирги биносини қуриш 1993 йилда бошланган бўлиб, 2005 йилда ниҳоясига етказилган. Масжиднинг эски Хонақоҳи 2009 йилда таъмирлаш ишлари бошланган эди, таъмирлаш ишларида юртимизнинг барча воҳаларидан тажрибали усталар ва дурадгорлар масжидда меҳнат қилишди. 2011 йилнинг 22 июл жума куни илк бор ушбу масжиднинг эски хонақоҳида жума намози ўқилди.

2007 йилда таълим, фан ва маданият бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилди. Бу мамлакатимизда ислом маданияти ва маънавий қадриятларни тиклаш ҳамда сақлаш юзасидан амалга оширилаётган асосий мақсадга йўналтирилган иш натижаларининг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи эди.

Тошкент бу фахрли номга тўлиқ жавоб беради.

Тошкентнинг барча ютуқлари бу Ўзбекистоннинг ҳар томонлама тараққий этганлигининг муносиб кўрсаткичидир.

2009 йили Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан Сузук ота мақбарасини таъмирлаш Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислом Каримовнинг юбилей объектлари рўйхатига киритилди. Мақбаранинг ташқи девори чархланган ғиштлар билан қопланиб, ички деворлари пардозланиб таъмирланди. Шуни айтиш керакки, мажмуада зиёратгоҳ барпо қилинаётганда кейинги йилларда, аниқроғи 1997-1998 йилларда қурилган мақбара бузиб ташланиб, унинг остки қавати очилди. Бу ер археологлар иштирокида ўрганиб чиқилди ва очиқ қолдирилиб, пастга олиб тушувчи зинапоя ишланди. Мақбара ўзининг дастлабки кўринишида қайта тикланди.

Ҳозирги Сузук ота маҳалласи ҳудуди илгари бир неча кичик маҳаллалардан иборат бўлган. Жумладан, Чукур кўприк, Мирлар, Андижон ва Чақар маҳаллалари. Бу маҳаллаларнинг ҳар бирида кичик ҳажмдаги гузар масжидлари бўлган. Бу масжидлар кейинги йилларгача сақланган. Мирлар масжиди 1812 йилда, Андижон масжиди 1817 йилда, Чақар масжиди 1820 йилда қурилган [5, б. 17].

2004 йил 24 март куни Ҳожа Аҳрор таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори қабул қилинди [6].

2017 йилда Президентимиз кўрсатмасига кўра Аҳмад Яссавийнинг набираси бўлган Сузук ота таваллудининг 800 йиллиги муносабати билан мажмуада катта ҳажмдаги таъмир, тиклаш ишлари олиб борилган. Ҳозирги кунда Сузук ота тарихий меъморий мажмуаси зиёратгоҳга айлантирилган.

Туризм соҳаси сўнгги йилларда давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланишига таъсир қиладиган барқарор молия манбаи бўлиб, унинг кенгайиши нафақат ички миллий муносабатларни сақланишида, балки халқаро муносабатларда давлатнинг, халқнинг маданий тарихини кўрсатиб беришга хизмат қилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳисобига кўра, туризмда сайёҳлар сонининг йиллик ўсиши сезиларли даражада турли давлатларнинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳиссасининг кўпайишига олиб келади ва бу бугунги кунда туризмнинг иқтисодиётдаги улуши муҳим эканлигини кўрсатади [7, бб. 31-39].

Жаҳон мамлакатлари ҳисоб-китобларига кўра, 2017 йилда ер юзидда мусулмон зиёратчилари сони 131 миллионга етиб, бу соҳадаги даромад 142 миллион долларни ташкил қилган. 2020 йилда зиёратчиларининг сони 160 миллионга етиши, 2026 йилга бориб, зиёрат туризми индустрияси ортидан келадиган фойда 300 миллиард долларга етиши кутилмоқда [8].

Айтиш жоизки, сайёҳликнинг ана шундай имкониятларидан келиб чиқиб, республикамизда халқаро туризм бозорини ривожлантириш, уни жаҳон андозалари талаби асосида шакллантириш ва шу орқали иқтисодиётни янада юксалтириш имкониятларига эга бўламиз. Халқаро туризм бозорида, кучли рақобат кураши шароитида кўзланган мақсадга эришиш учун энг аввало аниқ йўналиш, доимий равишда изланиш, фаолиятни жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш талаб қилинмоқда.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда тарихий, маданий, меъморий, археологик аҳамиятга эга бўлган туристларни жалб қилиш мумкин бўлган объектлардан 4000 дан зиёд тарихий ва меъморий обидалар [9], туристик объект сифатида қамраб олингани 140 та деб кўрсатилади [10, бб. 42-45].

Ўзбекистонда туризмнинг барча соҳасини ривожлантириш имкониятлари юқорилиги мутахассислар томонидан таъкидланмоқда. Зиёрат туризми йўналишлари маҳаллий аҳоли учун қўшимча даромад манбаи ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистонда 2019 йил якуни бўйича туризмнинг барча соҳаси доирасида хизмат кўрсатишдан 1,3 миллиард доллар маблағ тушган. Ушбу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 30 фоизга кўп [11, бб. 128-122]. Шунингдек, туризм аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим роль тутди. 2023 йилга келиб тўғридан-тўғри соҳада туризм 145 минг кишини қамраб олиши режалаштирилган [12, бб. 35-44].

Туризм йўналиши бугунги кунда устувор соҳага айланди. Бу борада мамлакатимиз салоҳияти юқори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январь ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 9 февраль ПФ-6165-сон “Ўзбекистон Республикаси ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 25 август ПҚ-5232-сон “Умумий овқатланиш ва туризм соҳаларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 29 июль ПҚ-338-сон “Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2023 йил 26 апрел ПҚ-135-сон “Республиканинг туризм салоҳиётини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2023 йил 27 июль ПҚ-114-сон “Маъмурий ислохотлар доирасида маданият ва туризм соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 июлдаги ВМҚ-289-сон “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2023 йил 24 февралдаги 100-сон “Ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари каби норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

2022 йил 29 июлда “Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ.-338-сон қарори қабул қилинди.

Қарор билан туркий дунё доирасида “Табаррук зиёрат” туризм концепцияси тасдиқланди[13].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 апрелдаги ПҚ-135-сон қарорининг 5-иловасидаги Тошкент шаҳрида туризмни ривожлантириш бўйича 2023 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасига кўра Хорижий сайёҳларни жалб қилиш йўналишида:

Тошкент шаҳрига 4,2 млн нафар хорижий сайёҳларни жалб қилиш, бунда, XXVII Тошкент халқаро туризм ярмаркаси доирасида имзоланган 1868 та келишувларга асосан 2,5 млн дан ортиқ, шу жумладан:

тиббиёт, таълим, зиёрат туризми йўналиши бўйича 700 минг нафар;

халқаро форум, кўргазма ва конференциялар ташкил этиш орқали 500 минг нафар;

оммавий-кўнгилочар тадбирларни ўтказиш ҳисобига 500 минг нафар сайёҳларни жалб қилиш,

Тошкент шаҳрида хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатувчи 20 та туроператор фаолиятини йўлга қўйиш ва турагентлар,

биродар шаҳарлар, жумладан Санкт-Петербург, Баку, Тель-Авив, Сеул, Нагоя ва бошқа шаҳарлар билан ўрнатилган келишувлар асосида Тошкент шаҳрининг туристик салоҳиятини тарғиб қилувчи видеороликларни хорижий давлатлардаги ташқи реклама воситаларида намоиш этиш кўзда тутилган.

Тошкент шаҳрининг бетакрор табиати, дам олиш ва кўнгилочар масканлари, зиёратгоҳ, этнографик ва гастрономик объектларига 360 даражада виртуал ҳолатда онлайн саёҳат қилиш учун махсус платформа яратиш,

Тошкент шаҳрининг замонавий ва таниқли туристик брендини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирларни тасдиқлаш,

Тошкентдаги туризм объектларига хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогер ва таниқли шахслар иштирокида инфотурлар ташкил этиш,

Тошкент метросига виртуал ҳолатда онлайн саёҳат қилиш иловасини ишлаб чиқиш,

бунда, Тошкент метросига виртуал онлайн саёҳат қилиш ҳамда туризм, ижтимоий ва бошқа объектлар тўғрисида маълумотлар берувчи электрон харита ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган.

Мазкур қарори доирасида "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил" дастурига кўра: Тошкент шаҳридаги 1 млн 920 минг нафар аҳолининг республика ҳудудлари бўйлаб саёҳатларини ташкил этиш чораларини кўриш, Тошкент шаҳрига 4,3 млн нафар маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш,

8 та вилоятлар билан имзоланган меморандумлар ижроси бўйича 300 минг нафар аҳолини жалб қилиш чораларини кўриш,

оммавий-кўнгилочар тадбирларни ўтказиш ва тиббиёт туризми йўналиши ҳисобига 700 минг нафардан ортиқ аҳоли ташрифини ташкил этиш,

ёшлар, таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари учун туризмнинг тарихий билим берувчи ва маданий-кўнгилочар турларини ривожлантириш орқали 1,5 млн нафар аҳолини жалб қилиш чораларини кўриш,

меҳнат, маҳаллалар жамоалари учун туризмнинг ишбилармонлик, экстремал, экологик ва гастрономик турларини кенг тарғиб қилиш орқали 1 млн нафар аҳолини жалб қилиш чораларини кўриш,

хотин-қизлар учун туризмнинг зиёрат, маърифий, ижтимоий, маданий-кўнгилочар ва экологик турлари бўйича тадбирларни ташкил этиш орқали 300 минг нафар аҳолини жалб қилиш, Тошкент шаҳридаги 1 млн 920 минг нафар аҳолининг республика ҳудудлари бўйлаб саёҳатларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Тошкент шаҳрида туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш.

Бунда жами 84 та жойлаштириш воситаси, жумладан 38 та меҳмонхона, 20 та хостел, 20 та оилавий меҳмон уйи ва 6 та бошқа инфратузилма объектларини ташкил этиш.

Тошкент шаҳридаги барча меҳмонхоналар ва сайёҳлар учун яратилган шароитларни хатловдан ўтказиш ҳамда салоҳияти юқори бўлган меҳмонхоналар рўйхатини шакллантириб, уларга юлдуз тоифасини бериш.

Сайёҳларга юқори даражада хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган, Европа, Осиё ва ўзбек миллий таомлари тайёрланадиган салоҳиятли ресторан, кафе ва барлар рўйхатини шакллантириш ҳамда уларга "туристлар учун меҳмондўст муҳит сертификати"ни жорий қилиш.

Ёзги мавсумга мўлжалланган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича "Янги Ўзбекистон боғи" ҳудудидаги кўлнинг бир қисмида чўмилиш ҳавзасини барпо этиш кўзда тутилган.

"Ҳазрати Имом" мажмуасида туристлар учун қўшимча хизматлар яратиш мақсадида объект ичида зиёрат одоби ва тартиби акс эттирилган маълумот тахталарини ўрнатиш.

Объект атрофида шаҳар маркази, метро бекатлари ва бошқа йирик савдо ва кўнгилочар марказларидан зиёратга олиб келувчи йўллар атрофида йўл кўрсаткич ва ахборот белгиларини ўрнатиш режага киритилди[14].

Туризм ривожлантириш мақсадида "Маъмурий ислохотлар доирасида маданият ва туризм соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони (ПФ-114-сон, 27.07.2023 й.) ҳам қабул қилинди.

Фармонга кўра, қуйидагилар ташкил этилди:

Маданият ва туризм вазирлиги негизида Маданият вазирлиги; Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузурида Туризмни ривожлантириш қўмитаси ташкил топди [15].

Юртимизда туризмни такомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган истикболли ислохотлар хорижий сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш билан бирга, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимизнинг муносиб ўринга эга бўлишида туристик бозор ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон туризм Ташкилоти прогнозларига кўра, 2030 йилга келиб, саёҳат қилувчилар сони 1.5 млрд кишидан ортиқ бўлиб, тушадиган даромад ҳажми 5.0 трлн доллар бўлиши кутилмоқда. Бу кўрсаткич ўз навбатида юртимизда туристлар сонининг ортишига ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистон сайёҳлар хавфсизлиги бўйича Марказий Осиёда энг яхши давлат сифатида тан олинди. Қозоғистон эса минтақада сайёҳларга тиббий

хизмат кўрсатиш даражаси бўйича энг яхши бўлди. Бу ҳақда сайёҳларни хавфсизлик ва тиббий хизмат билан таъминлашга ихтисослашган International SOS ташкилоти мутахассислари хулоса берди.

Статистика агентлиги сўнгги 11 ойда Ўзбекистонга қанча чет эл фуқароси тижорат мақсадида ташриф буюрганини маълум қилди. Унга кўра, жорий йилнинг сўнгги 11 ойида жами 61,1 минг нафар чет эл фуқаролари тижорат мақсадида Ўзбекистонга ташриф буюрган.

Шунингдек, Ўзбекистонга январдан ноябр ойигача тижорат мақсадида энг кўп ташриф буюрган давлатлар фуқаролари қуйидагича:

Туркменистон – 39 342 нафар, Тожикистон – 13 474 нафар, Туркия – 947 нафар, Хитой – 916 нафар, Жанубий Корея – 563 нафар бошқа давлатлардан – 5 824 нафар фуқаролар тижорат мақсадида Ўзбекистонга келган.

Туризм ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-маданий аҳамиятга эга кенг қамровли соҳа, У даромадлилиги бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу соҳада кам харажат билан кўп иш ўринлари яратиш имкони мавжуд.

Тахлилларга кўра, пандемиядан сўнг Ўзбекистонга келаётган хорижлик сайёҳларнинг йиллик ўртача ўсиши 20 фоиздан ортган. Жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида мамлакатта 6 миллион 134 минг нафар хориж фуқаролари ташриф буюрган. Йил якунига қадар бу кўрсаткич 7 миллионга етиши тахмин қилинмоқда. Мавжуд рақамлар ўтган 2022 йилнинг 11 ойидаги натижалар билан солиштирилганда, ушбу йилда айрим давлатлардан келаётган туристлар сони бир неча бараварга ошганлигини кўриш мумкин.

Давлатлар кесимида таҳлил қилинганда, ушбу йилда 2022 йилнинг 11 ойига нисбатан Россиядан 676 минг (1,3 баробар кўп), Туркиядан 99 минг (1,4 баробар кўп), Ҳиндистондан 41 минг (2,9 баробар кўп), Хитойдан 39 минг (8,5 баробар кўп), Жанубий Кореядан 35 минг (1,9 баробар кўп), Германиядан 28 минг (1,7 баробар кўп), Италиядан 25 минг (2,9 баробар кўп), АҚШдан 22 минг (1,8 баробар кўп), Франциядан 18 минг (1,7 баробарга кўп) нафар сайёҳ юртимизга ташриф буюрган.

Туризмда муҳим омиллардан бири бу меҳмонхона. Чунки туристлар меҳмонхона хизматида фойдаланар экан, бу борада энг кичик деталларгача эътибор қаратади.

Бугунги кунда ҳудудларда 183 та янги меҳмонхона (ўринлар сони 11 минг 342 та) ва 207 та хостел (ўринлар сони 7 минг 237 та) янгидан ишга туширилди. Жами жойлаштириш воситалари сони 5 минг 365 та, улардаги ўринлар сони 142 минг 38 тага етказилди. Хонадонларда 333 та оилавий меҳмонлар уйи (ўринлар сони 3 минг 92 та) ташкил қилиниб, уларнинг умумий сони 3 минг 305 та (ўринлар сони 29 минг 300 та) га етди. Туристлар

учун хизмат кўрсатувчи 810 та янги туристик ташкилотлар ва турагентлар фаолияти йўлга қўйилиши натижасида уларнинг сони 2 минг 649 тага етказилди [16].

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар тилларида юритилувчи 7 тилда “Табаррук зиёрат” платформаси ишга туширилди ва дастлабки босқичда мамлакатдаги 100 та зиёрат объекти платформага киритилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 8 мингдан зиёд маданий мерос объекти ва 122 та музей бор.

Келгусида 31 та туман на 143 та туризм маҳалласининг тарихи, ёдгорликлари ва диққатга сазавор жойлари ҳақида маълумотлар мажмуини яратиш, улар асосида 12 та тилда туристик пакетлар ишлаб чиқиш, Туризм ва сервис объекtlари ишчиларини ўқитиш режалаштирилган.

Бир нафар туристнинг мамлакатда бўлиш давомидаги ўртача харажати 326 долларни ташкил қилади. Бу кўрсаткич ўтган 2021 йилда 224 долларни ташкил этган.

Шунингдек, бу кўрсаткич давлатлар кесимида қаралганда, бир нафар Узок шарқ ва Европа давлатларидан келган сайёҳ 1 минг 66 доллар (2021 йилда 709 доллар), МДХ давлатлари эса 743 доллар (2021 йилда 635 доллар) қўшни давлатлардан ташриф буюрганлар 154 доллардан 257 долларгача мамлакатда маблағ колдирмоқда. Шунинг хам айтиб ўтишимиз керакки жорий йилнинг 11 ойида 2 миллиард доллар туризм хизмати амалга оширилган. 2024 йилда туризм экспортини 2,5 мллиард АҚШ долларига етказиш бўйича чоралар кўрилади. Хорижий сайёҳлар сонини хам 10 миллион нафарга етказиш бўйича иш олиб борилади [17].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, туризм хам иқтисодий, хам ижтимоий-маданий аҳамиятга эга кенг қамровли соҳа бўлиб, у даромадлилиги бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Яна бир муҳим томони, кам харажат билан кўп иш ўринларини яратиш имконини беради. Ўзбекистоннинг туризм салоҳиёти юқорилиги сабаб, бу соҳа изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон жаҳонда энг яхши саёҳлик йўналишлари рўйхатига киритилди. Тошкент Ўзбекистоннинг пойтахти ва қадим шаҳарларидан бири сифатида биринчи навбатда жаҳон давлатларидан келаётган ва республика миқёсида жуда кўп хорижий ва маҳаллий туристларни қабул қилади.

Джурсаева С. Н.

DSc., доцент кафедры «История Узбекистана»

Национальный университет Узбекистана

sanabar.djuraeva@bk.ru

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СОВРЕМЕННОГО ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется как туризм стал приоритетной сферой в мире, что большое внимание уделяется историческим объектам и святыням как мировому материальному достоянию. В то же время в годы независимости изучение жизни и деятельности ученых в Узбекистане проведение юбилеев, а также восстановление памятников архитектуры, где они похоронены, показаны на примере города Ташкента. В настоящее время широко освещаются реформы, проводимые в Узбекистане по развитию культурного, экологического и гастрономического туризма.

Ключевые слова: туризм, объект, святыня, памятник, юбилей, юбилей, реформа, экологический, гастрономический.

Djurayeva S. N.

DSc., associate professor at the department of «History of Uzbekistan»

National university of Uzbekistan

sanabar.djuraeva@bk.ru

ABSTRACT

This article states that tourism has become a priority field in the world today, and great attention is being paid to historical objects and shrines as world material heritage. At the same time, during the years of independence, the study of the life and activity of scholars in Uzbekistan, the holding of their jubilees, and the restoration of the architectural monuments in which their memory rests have been shown on the example of Tashkent city. Currently, the reforms carried out in Uzbekistan regarding the development of cultural, ecological and gastronomic tourism are widely covered.

Key words: tourism, object, shrine, monument, alloma, anniversary, reform, ecological, gastronomy.

Ergashev H. Y.

«O'zbekiston tarixi» kafedrası o'qituvchisi

O'zbekiston Milliy universiteti

husanergashev420@gmail.com

TARIX FANINING RIVOJI UCHUN OLIB BORILGAN ISHLAR VA ULARNING NATIJALARI

ANNOTATSIYA

Ushbu maqola istiqlolning ilk yillarida tarix fanidagi mavjud muammolar, hal qilinishi lozim bo'lgan vazifalar va shu asosda keyingi yillarda ularni bartaraf etish borasida qilingan amaliy ishlar, erishilgan natijalarga hamda ushbu keng ko'lamli ishlarda ToshDU Tarix fakultetning ishtirokini ochib berishga bag'ishlanadi.

Kalit so'zlar: Tarix va Arxeologiya institutlari, "Ipak yo'li", YUNESKO, O'zbekiston tarixi muzeyi, "Meros" jamg'armasi, Toshkent Davlat (hozirgi O'zbekiston Milliy) universiteti, "O'rta Osiyo manbashunoslik, arxivshunoslik va muzeyshunoslik", "Tarixni o'qitish uslubi".

KIRISH

Tarix o'tmish va bugunni bog'laydigan ko'prik bo'lsa, bu ko'prik uning qanchalik mustahkamligi va millatga qanchalik xizmat qilganligi uning ahamiyatini belgilab beradi. Fan doirasida olib borilishi zarur bo'lgan ishlar uning o'rni va ahamiyatini ochib beradi. Xususan, mamlkatimiz mustaqilikni qo'lga kiritganidan so'ng barcha sohalarda bo'lgani kabi ijtimoiy-gumanitar fanlar, jumladan, tarix fanida olib borilishi muhim bo'lgan ishlar ham alohida belgilab olindi. Ushbu ishlarda asosiy diqqat-e'tibor tariximizning xolisligini ochib berishga qaratildi. Xususan, bu borada tarixchi olimlarimiz tomonidan salmoqli vazifalar bajarildi. Lekin, avvalo mavjud vaziyatni hisbga olib ish olib borish va yangi ilmiy tadqiqotlar olib borilishiga katta urg'u berildi. Chunki, mavjud vaziyatni hisobga olmasdan sohani isloh qilish va uni rivojlantirish borasidagi vazifalar puxta o'ylangan reja asosidagi ishlar hisoblanmaydi. Shu sababli, tarixchi olimlarning fidoyilik bilan qilgan mehnatlarini va uning bugungi kundagi natijasini ochib berish maqsad qilib olingan.

TADQIQOTNING ASOSIY NATIJALARI

Istiqlolning ilk yillarida tarix fanida muammolar yetarlicha bo'lib, ularni hal etmasdan, yangicha yondashuv va xolislikka asoslangan holda yoritib bo'lmasligi aniq ravshan edi. Keyingi yillarida tarix fani va ta'limining rivoji xususida ko'plab tarixchi olimlarimiz o'z mulohazalari berib bordilar, xususan, tarixchi olim,

arxeolog tarix fanlar doktori, professor, akademik A.A. Asqarov tomonidan o‘z fikr-mulohazalari berib o‘tgan. Bu vaqtda o‘z yechimini kutayotgan muammolar talaygina bo‘lib, ular haqida qisqacha to‘xtalib o‘tish joizdir, zero busiz vaziyatni to‘la anglash imkonsizdir.

Ular quyidagicha bo‘lib:

1. Avvalambor, har bir xalq ayniqsa, mustaqil davlat qurilishi oldida turgan xalq o‘z-o‘zligini anglamog‘i, qaysi zamon, qanday iqtisodiy, madaniy va tarixiy sharoitda, qanday etnik komponentlar qorishmasidan tarkib topganligni aniqlab olmog‘i va ana shu tarixiy va madaniy qadriyatlar talabidan kelib chiqqan holda bugungi, ertangi va kelajak taraqqiyotni belgilab olmog‘i kerak. Ko‘p asrlik murakkab tariximizning qay darajada yoritilishi tarix fanining ana shu bosh masalasini yechimiga bog‘liqdir. Shunday ekan, o‘zbek xalqining etnogenez va etnik tarixi tarix fanining bosh masalasi bo‘lib qoladi. Masalaning yechimi tarixchi, arxeolog manbashunos, etnograf, lingvist, antropolog va qator boshqa soha mutaxassislarining birgalashib kompleks ilmiy izlanishlar qilishiga bog‘liq. Bu sohada ancha ishlar qilingan. Ammo sovet fanida, jahon tarixshunoslari tasavvurida bu masalada hozirgacha yakdillik yo‘q. Xalq tarixi bilan unga etnik nisbat qilib berilgan nom o‘rtasida katta xronologik tafovvt hamda Movarounnahrning turkiy tilda gapiruvchi qadimiy o‘troq aholisini shu tilda so‘zlashuvchi dashti qipchoqning Shayboniyxon bilan birga XVI asrning boshlarida Movarounnahrda kelgan ko‘chmanchi o‘zbeklar nomi bilan atalishi ba’zi birovlariga milliy adovat o‘yinini o‘ynashga ikmon bermoqda. Shuning uchun bu masalaga tarixchilarimiz juda jiddiy qarashlari kerak, uning obektiv ilmiy yechimi ustida kompleks izlanishlar o‘tkazilishi zarur.

2. Arxeolog va etnograf olimlarning ilmiy faoliyatini ekspeditsiyalarsiz ko‘z o‘ngimizda keltirish qiyin. Ilmiy ekspeditsiyalar esa mablag‘ sarflashni taqazo etadi. Har yili arxeologiya institutidan respublikamiz bo‘ylab o‘ttizdan ortiq ekspeditsiya va otryadlar dala qidiruv izlanishlarini o‘tkazdi. Bu yil esa umumiy iqtisodiy tanglik tufayli arxeologlarimiz shunday imkoniyatlardan mahrum. Shu vaziyatni hisobga olgan holda arxeologlar yaqin 2-3 yil davomida quyidagi muammolar bilan shug‘ullanishlarini zarur deb hisolaymiz.

a) Ko‘p yillar davomida juda boy arxeologik materiallar to‘plandi. Ular qadimgi va o‘rta asr davri tariximizning barcha tarixiy bosqichlariga tegishli. Yaqin 2-3 yil davomida arxeologlarimiz barcha ilmiy, limit-texnik kuchlarni ana shu materiallarni ilmiy tahlil qilishga va rejalashtirilgan besh tomli “O‘zbekiston arxeologiyasi”ni tayyorlash va chop etish bilan shug‘ullanmoqlari kerak.

b) Tarix va Arxeologiya institutlari O‘zbekiston xalqlari tarixining 6 jildli yangi variant ustida ish boshlagan. Ana shu ko‘p jildli O‘zbekiston tarixini 1-va 2-tomlarini tayyorlash arxeologlar zimmasiga yuklatilgan. Ikki tom bo‘yicha tegishli

materiallar yig'ib bo'lingan. Endigi dolzarb vazifa kechi bilan ikki yil ichida ana shu tomlarni tayyorlab chop etishdan iborat bo'lmog'i kerak.

Tarixchilarimiz zimmasiga ana shu 6 jildli fundamental ishning 4 tomi yuklatilgan. 3 – tomi tayyor bo'ldi. Nasib etsa o'zbek va rus tilidagi nusxalari yil oxirga qadar o'quvchilar qo'lga borib yetadi, degan umiddamiz. 4 - tomi esa yaqin kunlarda institut ilmiy kengashida muhokaa etiladi. Tarixchilarimiz, endi asosiy kuchni O'zbekiston tarixining sovet davri tomlari ustida jiddiy ishlashiga qaratmog'lari zarur.

3. O'rta Osiyo tarixining qadimgi va o'rta asrlar davrida, to Temuriylar sulolasining inqiroziga qadar "ipak yo'li"ning mamlakat siyosiy va iqtisodiy hamda madaniy hayotidagi roli beqiyos katta bo'di. Qachonki, dengiz yo'li ochilgacha, Sharq bilan G'arbni bog'lab turgan "Ipak yo'li"ni quruqlikdan dengizga ko'chishi munosabati bilan O'rta Osiyo ko'p jabhalarda inqirozga yuz tuta boshladi. "Ipak yo'li"ning bunchalar tariximizdagi salmoqli o'rni bugungi kunda u bilan bog'liq bo'lgan tarixiy va madaniy jarayonlar muammosi ustida fundamental ilmiy izlanishlar olib borishni taqozo etadi. YUNESKOning bu masalada o'rta tashlangan "Buyuk ipak yo'li – yo'llar muloqoti" nomli ilmiy va madaniy dasturi alohida ahamiyat kasb etadi. Bu muammoning naqadar dolzarbligi, ayniqsa 1989, 1991-yillarda YUNESKO tomonidan uyushtirilgan xalqaro ekspeditsiya natijalari yana bir bor tasdiqladi. Bu dasturning hayotiy va amaliy tomonlari ham bor. Qadimgi ipak yo'li bo'ylab, xalqaro turizm mashrutlarini tashkil etish yo'lida izlanishlar o'tkazish zarur. Bugungi kunda "Ipak yo'li"ni zamonaviy ko'rinishi – mintaqalararo transcontinental Osiyo poyezd yo'lini tiklash mumkinligi real haqiqatga aylanmoqda. Tarixchi, arxeolog, etnograf va sharqshunos olimlarimiz bu masalada chetda qolmasliklari zarur.

4. Yaqin 2-3 yil davomida muzeyshunos olimlarimizda, respublika ahli, xalqimiz O'zbekiston tarixi muzeyini yangi binoda zamona talabi asosida barpo etishlarini kutmoqda. Muzey uchun bundan zarur vadolzarb masala bo'lmasa kerak. Shu bilan birga muzeyshunosligimizning katalogini tuzib borishni rejalashtirmoqlari hamda respublikadan chetga ketgan madaniy merosimiz boyliklarini qaytarish yo'lida zarur hujjatlar tayyorlash ustida bosh qotirmoqlari zarur. Chunki bu masala hozirgi kunda respublika Oliy kengashi va respublika hukumatiga diqqat e'tiborida turibdi.

Yuqorida qayd etilgan va hal qilinishi zarur vazifalarga hukumatimiz tomonidan ham e'tibor qaratilgan bo'lib, keying yillarda sezilarli natijalar qo'lga kiritildi.

Amaliy harakatlar natijasida O'zbekiston xalqlari tarixi muzeyi va V.I. Lenin markaziy muzeyining sobiq Toshkent filiali asosida respublika fanlar akademiyasining O'zbekiston tarixi muzeyi barpo etildi. Shuning uchun 1993-yilda muzey xodimlari O'zbekiston tarixining eng qadimgi davridan to hozirgi (1993-

yil) kunga qadar bo'lgan voqealarni xolisona aks ettiruvchi yangi ekspozitsiyasini tashkil etish bo'yicha ish olib bordilar va uni nihoyasiga yetkazdilar. Qariyb 5 yil turg'unlikdan keyin yangi muzey ishga tushurishga tayyorladilar. Shuning bilan birga muzey fondlari 897 ta yangi eksponatlarga ko'paytirildi. O'tgan yili ularning soni 800 ta edi. Numizmatika jamg'armasi esa, jami 689 ta qadimiy va o'tmish davrlarga oid tangalar bilan boyitildi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Vazirlar Mahkamasining qaroriga muvofiq, Toshkent, Namangan, Urganch, Termiz shaharlarida O'zFA Arxeologiya institutining mintaqaviy bo'limlari tashkil etildi.

Boy tarixiy-madaniy merosimizni saqlash, o'rganish maqsadida respublika "Meros" jamg'armasi tuzildi.

Ijtimoiy-gumanitar fanlarni rivojlanitirish uchun budjetdan 66,7 mln so'm mablag' ajratildi. Bu esa, 1991-yilgi 9,4 mln so'mga nisbatan 7 marta ko'proqdir. Bu yerda albatta narx-navoning ko'tarilganini ham hisobga olish kerak. Shunday bo'lsa ham bu mablag' fanni rivoji uchun katta imkoniyatdir. Ajratilgan mablag'larning ko'pchiligi barcha qatori olimlarimizni himoyalashga sarf qilindi.

Hukumat tomonidan hisobot davrida respublika aholining ijtimoiy himoyasini mustahkamlash bo'yicha besh marta tadbir o'tkazildiki, bular ilm ahliga mutlaqo daxldordir. Xususan,

1. 1992-yil 1-yanvardan ish haqi 100 foizga oshirildi
2. 1992-yil 16-martidan ish haqi 70 foizga oshirildi
3. 1992-yil 1-iyulidan ish haqi ilmiy hodimlarga 80 foiz oshirildi.

Qolgan barcha xodimlarga ish haqi 50 foizga oshirildi (undan 25 foizi ichki imkoniyatlar hisobiga).

4. 1992-yil 1-sentabrdan ish haqi 25 foziga oshirildi
5. 1992-yil 1-oktabrdan ish haqi 60 foizga oshirildi.

1992-yil 1-dekabrdan Akademiya a'zolarining oylik gonorarlari ham oshirildi.

Tarix fanining rivoji uchun yuqorida qayd etilgan va erishilgan yutuqlar albatta quvonarli holder. Chunki xalqning bu kelajakda ma'naviyatini yuksaltirishda tarixning o'rni roli beqiyosdir. Amaliy ishlarning ko'lami Oliy o'quv yurtlarining tarix fakultetlarida ham olib borildi. Bu vaqtda Toshkent Davlat (*hozirgi O'zbekiston Milliy*) universitetining tarix fakultetida salmoqli ishlar olib borildi. Bu yillarda fakultetda yangi kafedralar tashkil etildi va ko'plab yangi fan dasturlari ishlab chiqilib, ma'ruzalar o'qilishi yo'lga qo'yib borildi. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining 1991-yilning 23-yanvardagi 42-sonli buyrug'i bilan tasdiqlangani asosida ToshDu rektorining 01-59 sonli buyrug'i bilan ushbu "Tarix va madaniyat nazariyasi" kafedrasini kafedra tashkil etildi. Uni ochishdan asosiy maqsad esa O'rta Osiyo xalqlarining madaniyatini o'rganish, qadimgi davrdan bugungi kunga qadar (1991-yil) kishilik

madaniyatining o‘zaro aloqalarini o‘rganish orqali talabalarning bu boradagi bilimlarini yanada boyitish hisoblanadi. Ayni shu vaqtda 1991-yilning 1-sentabrida “O‘rta Osiyo manbashunoslik, arxivshunoslik va muzeyshunoslik” deb nomlangan holda tashkil etildi. Tashkil etilgan vaqtda dots. F.R. Irgashev mudirlik qilgan lekin uning o‘zi rektorga murojaat qilib, bu lavozimga dots. O.O. Toshmuhammedovni tavsiya qildi. Ushbu nomzod rektorga ham ma‘qul bo‘ldi. “Tarixni o‘qitish uslubi” nomli kafedrası ham o‘z faoliyatini xuddi shu vaqtda boshlashi ham tarix fanini talaba yoshlarga o‘qitish orqali keng ko‘lamda targ‘ib qilish va xalqimizni xolis tarix bilan tanishtirishdek oliyjanob ishga munosib hissa qo‘shish hisoblanadi.

Bu yillarda har bir kafedraning ilmiy ish mavzusi bo‘lib bir o‘quv yili davomida belgilangan mavzuda tadqiqotlar olib borilgan. Xususan, O‘zbekiston tarixining dozarb mavzulariga oid fan dasturlari ham ishlab chiqilgan bo‘lib, ular esa bu paytda fanning mohiyatini yoritib berishga xizmat qiladi. Quyida fanlarning ma‘ruzalarini o‘qigan professor-o‘qituvchilar tomonidan olib borildi:

1. O‘rta Osiyo va Rossiya munosabatlari (XVII – XVIII asrlar) - G‘ulomov X.G.
2. O‘rta Osiyo va Hindiston munosabatlari (IX – XIX asrlar) – Ro‘ziyev E.T.
3. O‘zbekiston sanoati – Xolliyev G.G.
4. O‘zbekistonda madaniy hayot (XIX asrdan 1924-yilgacha) – Usmanova N.X.
5. Milliy ozodlik harakatlari – Choriyev Z.U.
6. Qadimgi O‘rta Osiyo davlatlari – Pidayev Sh.R.
7. Qadimgi O‘rta Osiyo dehqonchilgi – Raxmonov U.V.
8. O‘zbekistonning yangi shaharlari – Nurmuhammedov X.U.
9. O‘rta Osiyoning o‘rta asrlardagi shaharlar tarixi – Mukminova R.G.

Mamlakatimizning tarixini yangitdan yozish borishda ham fakultetning professor-o‘qituvchilar tomonidan salmoqli ishlar qilingan. Jumladan, 1992-yilda professor G.A. Hidoyatovning “Mening jonajon tarixim” kitobi o‘zbek tilida nashr etildi. Dotsent O.O. Toshmuhammedov “O‘zbekiston agrar tuzumi (XIX asr)” nomli monografiyasi (12 b.t.). Yuqorida qayd etilgan jarayonlar keyingi yillarda yuqori saviyada olib borilgan bo‘lib, uning uzluksiz davom ettirib borilishi uchun tizimli chora-tadbirlar ko‘rib borildi. Bu esa keyingi yillarda o‘z natijasini bermasdan qolmadi, albatta.

XULOSA

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, bu kabi olib borilgan ishlar o‘zining sezilarli natijasini bermasdan qolmadi. Yuqorida sanab o‘tilgan muammolar hamda vazifalar millatning ma‘naviy-ma‘rifiy jihatdan yetuk bo‘lib shakllanishida muhim ahamiyat kasb etdi. Mustaqillik yillarida ilmiy tadqiqot va izlanishlar natijasida

yaratilgan o'quv qo'llanmalar, darsliklar va risolalar millatnig bo'lajak egalari bo'lgan yoshlar uchun "bo'shliqni" to'ldirishga imkon berdi. Bundan tashqari ko'plab fanlar o'qitilgan bo'lib, ular tarix fanining turli davrlariga oid bo'lib, ular bo'yicha ham olib borilgan ilmiy tadqiqot natijalari darsliklar orqali tarixchi kadrlarni boxabar qilib borildi. Bu kabi yangicha yondashuvlar keyingi yillarda ham faollik bilan olib borildi. Umuman olib borilgan keng ko'lamli amaliy harakatlar o'zining mevasini bermasdan qolmadi.

FOYDALANILGAN MANBA VA ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар журнали. Ўзбекистон Фанлар академияси "Фан" нашриёти. 1992 йил, 7 – 8 сон, 27-28 б.
2. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар журнали. Ўзбекистон Фанлар академияси "Фан" нашриёти. 1993 йил, 1-сон, 7 б.
3. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар журнали. Ўзбекистон Фанлар академияси "Фан" нашриёти. 1993 йил, 1-сон, 11 б.
4. Тошкент шаҳар Марказий Давлат Архиви. 38-фонд, 2-рўйхат, 769-йиғма жилд, 1-варақ.
5. Muallifning "Manbashunosik va Arxivshunoslik" kafedresi katta o'qituvchisi V.G. Iofia bilan suhbatdan. 20.09. 2024-yil.
6. Тошкент шаҳар Марказий Давлат Архиви. 38-фонд, 2-рўйхат, 1064-йиғма жилд, 8-варақ.
7. Тошкент шаҳар Марказий Давлат Архиви. 38-фонд, 2-рўйхат, 1052-йиғма жилд, 3-варақ.
8. ТошДУ илм ва маърифат маскани. – Т.: "Университет", 1995, 221-бет.
9. Тошкент шаҳар Марказий Давлат Архиви. 38-фонд, 2-рўйхат, 1384-йиғма жилд, 4-варақ.

Эргашев Х. Ю.

Преподаватель кафедры «История Узбекистана»
Национальный университет Узбекистана
husanergashev420@gmail.com

РАБОТЫ ПО РАЗВИТИЮ ИСТОРИЧЕСКОЙ НАУКИ И ИХ РЕЗУЛЬТАТЫ

АННОТАЦИЯ

Данная статья будет посвящена существующим проблемам исторической науки в первые годы независимости, задачам, которые необходимо решить, и практической работе по их преодолению в последующие годы, достигнутым результатам, а также раскрытию участия исторического факультета ТашГУ в этих масштабных работах.

Ключевые слова: институты истории и археологии, “Шелковый путь”, ЮНЕСКО, музей истории Узбекистана, Фонд “Наследие”, Ташкентский государственный (ныне Национальный) университет, “среднеазиатское источниковедение, архивоведение и музееведение”, “методика преподавания истории”.

Ergashev Kh. Y.

Lecturer at the department of «History of Uzbekistan»

National university of Uzbekistan

abduraimovamanzura@yandex.com

THE WORK FOR THE DEVELOPMENT OF HISTORICAL SCIENCE AND THEIR RESULTS

ABSTRACT

This article will be devoted to the current problems in the field of history in the early years of independence, the tasks to be solved and, on this basis, practical work on their elimination in the following years, the results achieved and the disclosure of the participation of the faculty of history of Tashkent State University in these large-scale works.

Keywords: Institutes of History and Archeology, “Silk Road”, UNESCO, Museum of history of Uzbekistan, “Heritage” Foundation, Tashkent State (now National University of Uzbekistan) University, “Central Asian source studies, archival studies and museum studies”, “teaching style of history”.

Эгамбердиева Г. А.

PhD., старший преподаватель кафедры «История Узбекистана»

Национальный университет Узбекистана

egamberdiyevag@bk.ru

ТОРГОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА И ТУРЦИИ В УСЛОВИЯХ СТРАТЕГИИ ДЕЙСТВИЙ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрены дипломатические отношения между Узбекистаном и Турцией начатые в годы независимости и достигнутые на уровень стратегического партнерства после 2016 года, в частности взаимодействие в экономической сфере и взаимной торговле, а также перспективы в таких направлениях как — модернизация и строительство автомобильных дорог и туннелей, проведение геологоразведочных работ и освоение перспективных месторождений полезных ископаемых, сотрудничестве в сельском хозяйстве, в текстильной промышленности, управление энергетической инфраструктурой на условиях государственно-частного партнерства.

Ключевые слова: Текстиль, дипломатия, сотрудничество, аграрная сфера, цветная металлургия, инвестиции.

ВВЕДЕНИЕ

Отношения между Узбекистаном и Турцией имеют многолетнюю историю. Это напрямую связано с культурным и религиозным сходством, а также общей историей узбекского и турецкого народов. Торгово-экономические отношения между Узбекистаном и Турцией играют важную роль в развитии двустороннего сотрудничества и укреплении позиций обеих стран в международной торговле. За последние десятилетия взаимодействие значительно активизировалось, охватывая такие ключевые сферы, как текстильная промышленность, сельское хозяйство, строительство, энергетика и транспорт. Благодаря географической близости, культурным и историческим связям, а также общей заинтересованности в расширении экономических контактов, Узбекистан и Турция успешно развивают партнерство на взаимовыгодной основе.

Важным этапом в углублении торговых связей стало подписание соглашений, направленных на снижение тарифных барьеров и упрощение товарооборота, что способствует увеличению объемов взаимной торговли.

Кроме того, растущий интерес к совместным инвестиционным проектам и реализации крупных инфраструктурных инициатив подчеркивает стратегическую значимость этих отношений.

Если суммировать научные исследования, затрагивающие тему данной статьи, то с точки зрения направленности их можно подразделить на несколько категорий. Среди них есть чисто *исторические*, например в статье Б. Имамова [1, С.70] обсуждаются процессы формирования отношений между Республикой Узбекистан и Турецкой Республикой и её значение в истории Узбекистана, а также актуальные вопросы социально-экономических, политических и культурных отношений между двумя странами; политические, например статья А. Назарова [2, С.174], где проанализированы отношения между республиками в стратегическом плане, а так же перспективы развития в политической, торгово экономической и культурно гуманитарных сферах. экономические, например исследование Ж. Мусаевой [3; С.9], где дается анализ инвестиционной привлекательности Узбекистана, в частности интерес турецких инвесторов в Узбекистане, кроме этого особое внимание уделяется изучению достижений в таких сферах экономики, как промышленность, туризм, сельское хозяйство.

Настоящая работа рассматривает основные направления и динамику торгового сотрудничества Узбекистана и Турции, анализирует текущие экономические показатели и перспективы дальнейшего развития партнерства. При освещении темы был использован ряд комплексных методов-объективность, системный анализ, историческая последовательность, сравнительный метод.

ОСНОВНЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ ИССЛЕДОВАНИЯ

Дипломатические отношения между двумя странами были установлены 4 марта 1992 года, и было подписано более 100 двусторонних соглашений и протоколов, создавших правовую основу отношений. На основе этих правовых документов турецкие предприниматели инвестировали в экономику Узбекистана, в частности в текстильную промышленность, оптовую торговлю, сельское хозяйство, строительство и другие отрасли.

В 2016 году после официального визита Ш. М. Мирзиёева в Турцию, отношения между государствами перешли на уровень стратегического партнерства. Стоит отметить, что Узбекистан - одна из стран, где Турция инвестировала больше всего средств в региональное развитие за 2017-2024 годы. Показатель общих инвестиций в Узбекистан, если его подсчитать с учетом сложения того, что было осуществлено при посредничестве третьих стран, достигает более 1,0 млрд долларов [4].

В частности, 27 мая 2020 года с турецкой компанией «Чалык холдинг» было подписано инвестиционное соглашение о строительстве бизнес центра и гостиничного комплекса в г.Ташкент общей стоимостью 100 млн.долл, а 10 сентября аналогичное инвестиционное соглашение подписано с компанией «Дженгиз холдинг» о строительстве в Ташкентской области ТЭС мощностью 240 МВт [5]. Одновременно начата активная фаза реализации проекта совместно с Aksa Energy по строительству в городе Ташкенте ТЭС стоимостью 60 млн долларов. Также в активной фазе реализации проектов по модернизации и расширению производства на АО «Узметкомбинат» и Алмалыкском ГМК приступила компания «Ренейсанс Хэви Индастриз» [6, С.72].

В 2020 году 29 июля состоялся визит в Анкару делегации Узбекистана во главе с заместителем Премьер министра С. Умурзаковым, в ходе которого были проведены переговоры с председателем Планово-бюджетной комиссии Великого национального собрания Турции Лютфи Эльваном, заместителем Председателя правящей Партии Справедливости и развития Джевдетом Йылмазом, Министром иностранных дел Мевлут Чавушоглу, Министром торговли Рухсаром Пекджаном, руководителем Турецкого агентства по сотрудничеству и развитию (ТИКА) Серканом Каяларом. Кроме этого, состоялись встречи с руководителями крупного бизнеса и представителями деловых кругов Турции.

Турецкая сторона также представила планы по реализации новых проектов общей стоимостью более 5 миллиардов долларов. В их числе — модернизация и строительство автомобильных дорог и туннелей, проведение геологоразведочных работ и освоение перспективных месторождений полезных ископаемых, управление энергетической инфраструктурой на условиях государственно-частного партнерства.

Президент Ш.М. Мирзиёев дал поручения по скорейшей подготовке и полномасштабной реализации перспективных проектов с участием турецкого инвестора.

В свою очередь, 24-25 августа с рабочим визитом Узбекистан посетил Председатель Планово-бюджетной комиссии Великого национального собрания Турции Л. Эльван [7, С.70]. В ходе пребывания авторитетного турецкого парламентария в Узбекистане проведены переговоры в Министерстве инвестиций и внешней торговли, Министерстве энергетики и Государственном комитете по геологии и минеральным ресурсам Республики Узбекистан.

В 2019 г. товарооборот между Республикой Узбекистан и Турецкой Республикой увеличился на 22,7% по сравнению с аналогичным периодом

2018 г. и составил 2,52 млрд. долл., в т.ч. экспорт – 1,2 млрд. долл. (+27,4%), импорт – 1,3 млрд. долл. (+18,8%). Основные позиции экспорта: цветные металлы и изделия из них (57,1%), текстильные изделия (17,6%), продовольственные товары (8,3%), пластмассы и изделия из них (4,1%), оборудование электрическое (4,3%), услуги (4,5%) и др. Основные позиции импорта: механическое оборудование (38,6%), оборудование электрическое (8,0%), строительные материалы (6,8%), пластмассы и изделия из них (5,8%), черные металлы и изделия из них (5,5%), текстильные изделия (5,2%), транспортные средства (3,9%), продовольственные товары (1,8%), мебель (1,6%), фармацевтические продукты (1,2%), услуги (1,9%) и др.

Однако, за январь-октябрь 2020 года товарооборот между Республикой Узбекистан и Турецкой Республикой снизился на 19,4% по сравнению с аналогичным периодом 2019г. и составил 1,65 млрд. долл., в т.ч. экспорт – 785,7 млн. долл. (-19,8%), импорт – 869 млн. долл. (-19%) [8].

По итогам взаимной торговли между Узбекистаном и Турцией обозначена общая позиция о необходимости доведения объема узбекско-турецкого товарооборота до 5 млрд долларов в ближайшей перспективе.

Стоит отметить, что основой экспорта Узбекистана в Турцию стали цветные металлы, фрукты и овощи, услуги, азотные удобрения и продукты переработки. Турция же поставляет в Узбекистан химическую, косметическую, фармацевтическую продукцию, а также различный текстиль и пластмассы.

За 2020-2023 год объем турецких инвестиций в экономику Узбекистана удвоился. В 2021-м Турция вошла в тройку крупнейших стран, инвестирующих в экономику Узбекистана. В 2021-м она инвестировала в общей сложности \$1,2 млрд [9, С.51].

22 февраля 2023 года Президент Узбекистана подписал документ о ратификации Соглашения о преференциальной торговле между Узбекистаном и Турцией. Данное Соглашение было подписано 29 марта 2022 года в Ташкенте, в ходе второго заседания Узбекско-турецкого совета стратегического сотрудничества высшего уровня. Таким образом, международный договор о преференциальной торговле между двумя странами ратифицирован Узбекистаном.

Основной целью заключения Соглашения о преференциальной торговле между двумя странами стало дальнейшее укрепление торгово-экономических связей путем создания еще более благоприятных условий ведения бизнеса для производителей и экспортеров обоих государств, обеспечения отсутствия таможенных пошлин на отдельные товары или снижения их текущего объема.

В рамках данного соглашения стороны утвердили перечень продукции, подлежащей преференциальной торговле, состоящий из 12 наименований для каждой из этих стран. В списке узбекских товаров превалирует сельскохозяйственная продукция – овощи, свежие фрукты, курага, изюм, сушёные персики, фасоль, миндаль, орехи грецкие, арахис и др. В списке турецких товаров преобладает промышленная продукция: электрические трансформаторы и катушки индуктивности, их части, разъемы и проводники, трубы, прокат из черных металлов и центробежные насосы.

времени находились под неустанным надзором государственных структур и только к концу первого послевоенного десятилетия отношение к депортированным народам, в том числе и немецкому, стало меняться. Но тем не менее если почти все «наказанные» народы получили свободу в 1955 г., немцы и крымские татары свободу не получили, а ждали ее еще не одно десятилетие. Лишь Указом Президиума Верховного Совета СССР «О снятии ограничений в выборе места жительства, предусмотренного в прошлом для отдельных категорий граждан» (3 нояб. 1972 г.) [6, с. 179] были сняты ограничения с немцев-спецпоселенцев.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ И ЛИТЕРАТУРЫ

1. Гитлин С. Национальные отношения в Узбекистане. Иллюзии и реальность. – Тель-Авив, 1998. С. 350-351.
2. Шадт А. Правовой статус российских немцев в СССР (1940-1950-е гг.) // Немцы СССР в годы Великой Отечественной войны и в первое послевоенное десятилетие 1941-1955 г.: Материалы 7-й международной научной конференции. Серия: История и этнография российских немцев. – М., 2000. С. 288.
3. Германов А.А., Илларионова Т.С., Плевне И.Р. История немцев России. Учебное пособие. – М.: МСНК-пресс, 2005. С. 419.
4. Фитц А. Боль в наследство. Советские немцы: история через судьбы. – Ташкент. 1990. С. 30.
5. Брук С.И. Немцы в СССР: современная ситуация // «Исследования по прикладной и неотложной этнологии» 1990 г. [http:// www.iea.ras.ru/](http://www.iea.ras.ru/) Сайт Института этнологии и антропологии РАН.
6. История российских немцев в документах (1763-1992 гг.) / Сост. В. А. Ауман, В. Г. Чеботарева. – М., 1993. С. 9.
7. Ауман В.А. Две жизни – одна судьба. – М., 2004. С. 13.
8. ГАРФ. Ф. Р-9401. Оп. 1. Д. 95, Л. 58-62.
9. Герман А.А., Иноятова Д. Герман А.А., Иноятова Д. Немцы-трудоармейцы в Средней Азии // «...В рабочие колонны на все время войны». Очевидцы и исследователи о немцах в трудовой армии: Сб. науч. статей и воспоминаний / Под ред. А.А. Германа, О.Ю. Силантьевой. – М.: МСНК, 2012. С. 279.
10. ГАРФ. Ф. Р-5446. Оп. 56. Д. 48. Л. 202.
11. Всесоюзная перепись населения 1939 г. Национальный состав населения по республикам СССР. http://demoscope.ru/weekly/ssp/sng_nac_39.php?reg=11

12. Герман А.А., Курочкин А.Н. Немцы СССР в «Трудовой армии» (1941-1945). – М., 1998. С. 60.
13. ГАРФ. Ф. Р-9479. Оп. 1. Д. 111. Л. 41-42 об.
14. «Мобилизовать немцев в рабочие колонны... И. Сталин»: Сб. док-в (1940-е гг.) /Сост. предисл., коммент. Н.Ф. Бугая. – М.: Готика, 1998. С. 303–304.
15. Из истории немцев Казахстана (1921-1925 гг.): Сб. док-в: Архив Президента Республики Казахстан /Отв. ред. Г. А. Карпыкова. – Алматы – М.: Готика, 1997. С. 134.
16. Friesen R. Auf den Spuren der Ahnen. – Minden, 2000. S. 21.
17. Немцы Ферганской долины: история и современность //Сб. статей. – Фергана, 2010. С. 43.
18. ГАРФ. Ф. Р-9401. Оп. 1а. Д. 154. Л. 181.
19. Рахманкулова А.Х. Об использовании трудового потенциала депортированных народов в Узбекистане в конце 1930-х-1940-е гг. // Этнографическое обозрение, 2006, № 5. С. 160.

Inoyatova D. M.

«O'zbekistonning eng yangi tarixi» kafedrası professori., DSc

O'zbekiston Milliy universiteti

indima59@mail.ru

SOVET HOKIMIYATINING REPRESSIV SIYOSATINING VATAN URUSHI DAVRIDA O'RTA OSIYO MINTAQALARIDAN KELGAN NEMISLAR HAYOTIGA TA'SIRI

ANNOTATSIYA

Maqola sovet hokimiyatining Vatan urushi yillarida sovet nemislariga nisbatan repressiv siyosatiga bag'ishlangan. Sovet nemislari Volga bo'yi nemislari milliy avtonomiyasidan va sobiq SSSRning boshqa Markaziy mintaqalaridan asosan Qozog'iston va Sibirga deportatsiya qilindi. O'zbekistonga deportatsiya qilinmadi, ammo markaz farmoniga binoan o'zbekistonlik nemislar Toshkentdan respublikaning viloyat tumanlariga ko'chirildi. Maqolada muallif sovet nemislarini o'rta Osiyo mintaqalaridan mehnat armiyasiga bosqichma-bosqich ommaviy safarbar qilish, ularning dinamikasi va huquqiy holatini ko'rib chiqadi. Tekshiruv hujjatlari mehnat armiyasidagi eng og'ir ish sharoitlari va ko'plab huquqbuzarliklar, odamlarning katta yo'qotishlarini ko'rsatadi. Sovet hokimiyatining repressiv siyosatining urush yillarida sovet nemislari hayotiga ta'sirini tahlil qilib, muallif ular davlat tuzilmalarining tinimsiz nazorati ostida bo'lgan degan xulosaga keladi

va urushdan keyingi birinchi o'n yillikning oxiriga kelib ularga bo'lgan munosabat o'zgara boshladi.

Kalit so'zlar: O'zbekiston, o'rta Osiyo mintaqasi, sovet nemislari, Stalin repressiyalari, deportatsiya, mehnat armiyasi, mehnat koloniyalari, maxsus aholi punktlari.

Inoyatova D. M.

DSc., professor at the department of «Modern History of Uzbekistan»

National University of Uzbekistan

indima59@mail.ru

THE IMPACT OF THE REPRESSIVE POLICY OF THE SOVIET GOVERNMENT ON THE LIVES OF GERMANS FROM CENTRAL ASIAN REGIONS DURING THE PATRIOTIC WAR

ABSTRACT

The article is devoted to the repressive policy of the Soviet government towards Soviet Germans during the Patriotic War. Soviet Germans from the national autonomy of Volga Germans and other central regions of the former USSR were deported mainly to Kazakhstan and Siberia. There was no deportation to Uzbekistan, however, the Uzbek Germans were evicted from Tashkent to the regional regions of the republic by decree of the Center. In the article, the author examines the phased mass mobilization of Soviet Germans from Central Asian regions into the labor army, their dynamics, and legal status. The inspection documents indicate the most difficult working conditions in the labor army and multiple offenses, as well as heavy human losses. Analyzing the impact of the repressive policy of the Soviet government on the lives of Soviet Germans during the war, the author concludes that they were under the relentless supervision of state structures, and only by the end of the first post-war decade did attitudes towards them begin to change.

Keywords: Uzbekistan, the Central Asian region, Soviet Germans, Stalinist repressions, deportation, labor army, labor colonies, special settlements.

Йўлдошев С. В.

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси доценти., PhD

Фарғона давлат университети

salimjonyoldoshev46@gmail.com**ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЙИЛҚИЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ: АНЪАНА ВА ТАЖРИБА****АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада асрлар давомида табиий шарт-шароит ва хўжалик анъаналаридан келиб чиққан, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичларида сайқалланиб борган йилқичиликнинг пайдо бўлиш тарихи, хўжалиги, анъана ва тажрибалари ҳақида илмий ҳамда дала этнографик ёзувлари асосида мушоҳада юритилиши этнотарихий жараёнларни чуқурроқ идрок этишга имкон беради. Йилқичилик тарихи, хўжалик анъаналар, от билан боғлиқ халқ ўйинларининг хўжалик анъаналаридан келиб чиққан муштараклик мавжудлиги ҳамда туркий халқларнинг миллий ва маданий қадриятларидан бўлган улоқ-кўпқари, пойга ўйинлари тарихи ёритилган.

Калит сўзлар: Этнология, этник хусусият, урф-одат, расм-русум, удум, анъана, Куль Оба, самовий отлар, синчи, ҳакам, пойга, Аспа-барак, улоқ-кўпқари, кўк-турк, Хоқон, деҳқончилик, чорвачилик, йилқичилик.

КИРИШ

Фарғона водийси тарихий манбаларда одамлар маскан топган қадимги диёр эканлиги таъкидланади. Фарғона шимолий ва шимолий-шарқий тоғ доvonлари орқали Талас, Исикқўл бўйи, Еттисув билан, жанубий доvonлар орқали Матч, Қоратегин, Бадахшон, Кўлоб, Ҳисор ва Помир-Олойнинг бошқа тоғ вилоятлари билан боғланган. Марказий Осиёда Фарғона водийси қадимий тарихий-этнографик ҳудуд сифатида ажралиб туради. Унинг географик жиҳатдан ажратиб қўйилганлиги маълум даражада Республикамизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан ўзига хос этник тарихга эга бўлиб, аҳолисининг моддий ва маданий маданиятининг шаклланиши жиҳати ҳам ўзига хосдир.

Марказий Осиё халқлари сингари Фарғона водийси жуда қадим замонлардан бери сон-саноксиз урф-одат, расм-русум, удум, анъана ва тўй – оммавий томоша, кўнгил очар маросимлари билан машҳурдир. Фарғона водийси аҳолисининг ўтмиши ва ҳозирда хўжалик анъаналаридан келиб чиққан муштараклик мавжуд. Халқимизнинг бой сермазмун меросини ўрганар эканмиз, туркий халқлар дунё халқлари орасида энг қадимий ҳамда маданий ва оммавий қадриятларга бой халқлардан ҳисобланади.

Жумладан, жуда қадимги даврлардан бошлаб маданий ва оммавий кадриятлардан от билан боғлиқ хўжалик турлари тўғрисида маълумотлар, тасвирий асарлар сақланган. Жумладан, скифларнинг “Чертемлык” деган кўрғонидан топилган ва кумушдан ясаиб, олтиндан сайқал берилган вазасимон дастали кўзага қавариқ шаклида туширилган тасвирлар алоҳида диққатга сазовордир. Унда Асов отни жиловлаш маросими тасвирланган бўлиб, скиф бир кўлида отнинг жиловидан ушлаган бўлса, иккинчи кўлида отнинг олдинги оёғини ушлаб, қайирмоқда. Яна бошқа шаклларда скифларнинг от устида курашиш жараёни, курашга ҳамла қилиб тайёр тургани каби сахналар туширилган [1:226-229-расм].

Куль Оба ёдгорлигидан топилган ва олтиндан ясалган бўйинга тақиладиган ёмбиларда икки скифнинг отда кетаётгани тасвирланган[2].

Жуда кўплаб тасвирий санъат асарларида от чоптириб кетаётиб шерни, қоплонни, кийикни ҳалок этиш, яъни ўша ҳайвонни қилич, камон, ханжар билан санчиб ўлдириш сахналари учрайди. Жумладан, Санкт-Петербургдаги Эрмитажда Юнон-Бақтрия даврига оид кумушдан ясалган товоқчанинг ташқи томонида учта чавандознинг отда шерларга қарши жанг қилаётгани тасвирланган. [2:табл.46-49]. Бизнинг фикримизча ўша энг қадимги даврлардан бошлабқ турли ҳайвонларни овлаш, уларни тутиб олиш каби ишлар ниҳоятда отни чоптириш, тезлик билан кетаётган отнинг устида турли машқларни бажариш учу эпчил, бақувват бўлиш ва тез ҳаракат қилиш зарур бўлган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Йилқичилик хўжалиги ҳақидаги маълумотлар тарихий манбалар, этнографик материаллар, архив ҳужжатлари ҳамда кўплаб илмий адабиётлар, мақолалар, ҳисоботларда акс этган. Ушбу қисмда мавзуга оид адабиётлар тарихшунослик жиҳатдан даврий-хронологик жиҳатдан тарихий давр ва мазмунига кўра хорижий муаллифлар ишлари гуруҳларга бўлиб ўрганилди.

XIX - XX аср бошларида Марказий Осиё аҳолисининг этнографик манзараси акс этган тадқиқотлар. XIX – XX аср бошларида Марказий Осиё, жумладан, Россия империяси ва хорижий давлатлардан юзлаб географ-сайёҳлар, ҳарбий хизматчилар, савдогар ва айғоқчилар ташриф буюриб, бу ҳудуддаги аҳолининг этномаданий ва хўжалик ҳаёти билан боғлиқ жиҳатларга қизиққанлар. Маҳаллий халқнинг урф-одат, удум, маросимлари, кундалик турмуши ҳақида хотира, эсдаликларни ёзиб қолдирганлар ёхуд, асар ва мақолаларида қизиқарли маълумотларни келтирганлар.

Бу ўринда Х. Потанин, А. Миддендорф, В.В. Вельяминов-Зернов, А. Шишов, А.П. Хорошкин, В. Фирсов, Н.Ф. Ситняковский, А.И. Брянов, А

Диваев, А. Касаткин, А.Е. Кушакевич, П.Е. Кузнецовлар олиб борган илмий текширишларни қайд этиш мумкин.

Совет даврида олиб борилган тарихий ва этнографик тадқиқотлар. Бундай ишлар минтақавий ва ҳудудий характерга эга бўлиб, мазкур йўналишда Е.М. Пещерева, В.В. Бартольд, Н.Н. Пантусов кабиларнинг ишларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мустақиллик даври тадқиқотлари ва нашр қилинган ишлар. Йилқичилик хўжалиги ҳудудий ва умумий хусусиятларини ўрганишга бўлган эътибор мустақиллик йилларида айниқса янада кучайиб, тарихий, этнографик, археологик жиҳатдан Г.П. Богданов, И. Жабборов, А. Анарбоев, У.И. Исломов, Б. Матбобоев, К.А. Крахмаль, У. Қорабоев, А.А. Асқаровларнинг ишларида унинг тарихи борасида тадқиқот олиб бордилар.

Хорижий муаллифларнинг асарлари. Илмий тадқиқотларнинг ушбу гуруҳига хорижлик олимларининг асар ва илмий ишларини киритиш мумкин. Булар Е.Е. Kuzmina, Bahaeddin Ögelларнинг асарлари ва мақолаларида Марказий Осиё халқлари этнографияси, тарихи, маданияти ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади.

Айниқса, Марказий Осиё халқларининг йилқичилик хўжалигининг хусусияти билан алоҳида ажралиб туради. Тарих отаси Ҳеродот: “Массагетлар ўта мағрур ва жасур ҳарбийлар бўлиб, улар кўчманчилик тарзида яшайдилар. Улар дунёдаги энг яхши отларга эга бўлиб, уларнинг кўшнилари ҳеч қачон бундай отларга эриша олмаганлар”[3:130-с] – деб ёзган эди. Рим ва Хитой йилномачилари ҳам Ҳеродот фикрига яқин мулоҳазаларни билдиришиб, “самовий отлар” тўғрисида ёзишади.

Шунинг учун Хоразмдаги Кўйқирилганқалъа ёдгорлигидан топилган сополдан ясалган хум (фляга) нинг бир томонига от чоптириб кетаётган массагетнинг найза билан қандайдир ҳайвонга хамласи тасвирланган бўлса (сопол парчаси тўлиқ эмас), иккинчи хумда қанотли самовий отнинг тасвири туширилган [4:185-с].

Худди шундай тасвирлар, яъни отни чоптириб кетаётиб шер, кийик, қоплон каби ҳайвонларни ўлдириш, уларга ҳужум қилиш каби саҳналарни илк ва ривожланган ўрта аср тасвирий санъат асарларида кўплаб учратиш мумкин [5:275-с].

Маълумотларга қараганда бизнинг қадимий аجدодларимиз ўзларининг турмуш тарзларидан, хўжалик ҳаётидан келиб чиққан ҳолда йилқичиликка ва у билан боғлиқ урф-одатларга асос солиб, ривожлантириб борганлар.

Ҳатто С.Фирсовнинг маълумотларига кўра “... туркий халқлар ислом динига қадар отларни ҳам муқаддас санаб, ўз уйлари ва ўтовларининг эшиги устига отнинг бош суякларини илиб қўйган. Бу суяк оилани барча ёмон

иллатлардан, ёвузликлардан сақлаб турган ва шу бош суяк олдида қасамёд қилганлар” [6:110-с]. Шу ўринда айтиш жоизки, халқ оғзаки ижодида, айниқса, эртақларда отлар қаҳрамоннинг ёрдамчиси сифатида талқин этилади. “Ўзбек дostonларида от образи баъзан бош қаҳрамон даражасига кўтарилади – деган эди Х. Зарипов, – қаҳрамон туғилган кун унинг бўлғуси йўлдоши – жанговар оти ҳам туғилади”[7:№34 (34-70)].

“Қопланди ботир” эпосида ботир ва унинг отининг жони бир бўлар деган нақл келтирилган [8:85-с.]. Бу мисоллар отнинг инсон ҳаётида тутган ўрни нақадар муҳим эканлигини кўрсатади. Зотан чавандозлик санъатини туркий халқлар сингари бирор бир халқ маромига етказа олмайди. 1988 йил Истамбулда чоп этилган профессор, доктор Баҳояддин Ўғил асаридаги “Дostonларда от мусобақаси” бўлимида қуйидаги қимматли маълумотлар берилади. Мусобақа бир жанг саҳнаси каби тушунтирилади.

“Бир турк мифологиясида мусобақа олдида отларни ва чавандозларни рўйхатга олиш қайд этилади. Чавандоз от мусобақаси – синчи (ҳакам) ҳакамига учрайди. От мусобақаси пойга (югуриш), от устида кураш усулида 15 кунгача давом этган. Ўн еттинчи куни рўйхатга олинган ҳамма чавандоз ўз отини синчи (ҳакам) олдида олиб ўтган. Отнинг ҳолатига қараб ғолиб аниқланган. Манасни машҳур қилган нарсаси от устида кураш бўлган, чунки кофирга қарши ҳар бир кураш жанг каби шиддатли кечган” [9:786-б.]_деб таъкидлайди.

Ушбу ёзишма фактларида жангдан олдин от мусобақалари қисмида Манасхон ва Кўхчахон жанг учун тўқнашганларида илк аввал икки армия (қўшин) ўртасида жанг олдида от мусобақаси бошлашиб, ойларча давом этган. Масалан: Манасхон ва қашқарлик Бокбурди қўшини ўртасида уч ой мусобақа бўлган, лекин якунига етилмаган. Манас билан Олмабий учрашганда зиёфатлар қилинади ва от мусобақалари ўтказилган. Ундан сўнг ҳар иккиси Манаснинг онасининг кўкрагидан эмиб ака-ука бўладилар [10:87-б.).]

От мусобақалари тарихнинг ҳар бир даврида ва турк жамиятида (Ўрта Осиёда Турк ҳоконлиги даври назарда тутилмоқда) кўрилган бир одат-аноанадир, бу йўл билан учкур ва бақувват отлар танланади. Турк ҳоконлиги даврида шимол туркларида, қирғизларда от кураши, пойга ёки улоқ йўли билан танлаб олинган. Ҳар ҳолда бу анъана кўктурк маданий ҳаётида ҳам учрайди. Турк ҳоконлигида бир йилда икки марта баҳор ва кузда курултой (жуй деб аталган) ўтказилган. Бунда мавжуд ҳайвонлар ва инсонлар саноғи ҳисобдан ўтказилган. От мусобақаси ва ўқ отиш мусобақалари ўтказилган ва давлатнинг кучи шу орқали кўрсатилган» [11:786-б.]. Ҳатто ватанимиз тарихининг қадимий ёзма манбаси бўлган Авестода чавандоз сўзининг келиб

чиқиши тўғрисида шундай маълумотлар бор, яъни Тарихда қора тулпорни жиловланган Сиёвуш тимсоли “Аспа-барак” номи билан машҳурдир. Бу қадимги хоразм тилида *отлиқ чавандоз* деган маънони беради” [12:136-б.]. Шу билан бирга “Авесто”да куёш худоси Митрага бағишланган қасидада тўрт оппоқ тулпор абадий ва учкур арғумоқни аравага қўшилгани, араваларнинг тузилиши ҳам тасвирланган [13:46-б.], Амударёдан топилган, эрамиздан аввалги VI-V асрларга тегишли хазинада худди мана шу сўзларнинг иллюстрацияси эса “Авесто”даги воқеанинг тасвирланишидир [14:47-б.]).

Қадимий тарихий манбаларимиздан яна бири “Алпомиш” достонида, чавандозлик санъати, “Бойчибор” орқали отлар тавсифи, оммавий томошалар, пойга, улоқ-қўпқари жуда тушунарли тарзда баён қилинган. [15: 25,39-40, 43-44, 76-77-б.]. Қолаверса ёзма манбаларда Марказий Осиё халқлари орасида фарзандларини уч ёшидан от минигга ўргатишларининг ўзи бу ерда чавандозлик қай даражада кўтарилганлигини кўрсатади. Бу ҳақда IX асрда яшаб ўтган араб муаррихи ал-Жахиз келтирган маълумотлар аҳамиятга моликдир.

“У (турк) от устида юришдан сира чарчамайди. Турк ёввойи ҳайвонларга, кушларга, ўргатиб нишонларга, ҳаркатсиз нарсаларга, йиртқич ҳайвон ва кушларнинг ясама нусхаларига қарата ўқ отиб машқлар ўтказади. У отни бор кучи билан чоптириб келаётганда ортга, олдинга, ўнгга, чапга, юқорига ва пастга қарата камондан ҳеч қийноқсиз ўқ узиши мумкин. Турк бир вақтнинг ўзида ҳам чўпон, ҳам от боқувчи, ҳам чавандоз, от билан савдо қилувчи, ҳам уларни даволовчидир”[16:56-б.]).

Чавандозлик халқимизнинг узок ўтмишига бориб тақалади ва халқимиз чавандозларни доим улуғлаб келган. Туркларнинг тарих майдонига жаҳон ҳокимияти мафкураси билан чиқишларидаги дастлабки омил маънавий эмас, балки аскарый қувват эди. Моддий соҳада кўзга ташланган аввалий унсур – от. Дарҳақиқат, отдан биринчи бўлиб жанг воситаси сифатида фойдаланиш ва ўқчи суворий қўшинларини вужудга келтириш Ўрта Осиё воҳаларидаги туркларнинг ижодидир. Шундан кейин уларнинг ҳарбий устунликлари ҳам тўла таоминланган. Дарҳақиқат, турклар биринчи бўлиб эгар жабдуқ, узанги ва тизгин каби анжомларни кашф этганлар. Шу билан бирга суворий учун мўлжалланган чолвор, белбоғ ва оёқ кийимининг ижод этилиши ҳам турклар билан боғлиқ. Шу пайтга келиб узун қиличдан фойдаланганлар. Кўринадики от ва қурол туркларнинг қўшин қувватини орттириб, дунё ҳокимияти даъвосига доҳил этган. Бу даврда чинлар отни аравага қўша олишган. Бироқ туркларнинг отлиқ суворийлари, тезкор ҳужумлари қаршисида чорасиз қолишган. Улар ўзларининг кенг кийим-бошлари ва калта қиичларидан воз

кечиб, турклардан от минишни, узун қиличдан фойдаланишни ҳамда эгар-жабдук, жанговар кийимлар ясашни ўрганиб олганлар. Оврўпаликлар ҳам от минишни фақат хунларнинг истилоси шарофати билангина ўзлаштирганлар.

ХУЛОСА

Қадимги даврдан бошлаб, яъни онасининг ҳимоясидан чиқиб ўзи оёқда тура оладиган бўлганидан эътиборан турклар умрларини от устида кечирганлар. Зеро, улар от устида овқатланишар, қимиз ичишар, машварат ўтказишар, ниҳоят жангу-жадаллар қилишарди. Шунинг учун ҳам ўрта асрлар манбалари уларни: “Довулдек бирдан пайдо бўлиб, қуш каби зумда кўздан йўқолади” дея тасвирлашган. Турклар ҳаётида муҳим мавқега эга бўлган отлар ҳақида тарих ва дostonларда, ўрхун ёзувларию турли ривоятларда маълумот олиш мумкин. Уларга мувофиқ хунлар ва кўк-турклар отни муқаддас ҳисоблашган. Ҳатто ҳоқон ва қаҳрамонлар сингари борлиқ дея қабул этишган. Чунончи, VI асрда кўк-турк ҳоконининг ўз мактубида: “Сизга илоҳий илдизли отлар тақдим этамиз” деб ёзиши ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди. Ҳорижий ҳукмдорларга юбориладиган энг қимматли ҳадя ҳам одатда от эди» [17:90-92-б.)].

Мазкур маълумотлардан шу нарсани англаш мумкин, туркий қабилалар деҳқончилик-чорвачилик хўжалиги асосида иқтисодий кучга, чорвачилик (хусусан, йилқичилик) орқасидан юксак ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлди. Марказий Осиё халқлари қадимдан йилқичилик билан ҳам шуғулланганлиги кўп манбаларда эътироф этилади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Искусство первобытного общества и древнейших государств на территории СССР. – М.: Изобразительное искусства. 1971. 226-229-расм.
2. Тревер К.В. Памятники Греко-Бактрийского искусства. – М.-Л.: 1940, табл. 22-24.; Беленицкий А.М. Монументальное искусство Панжикента. – М.:Искусство. 1973. табл. 46-49.
- 3.Фирсов С. Туркестан и Туркестанские породы лошадей. Туркестанский сборник. 478 том, С.130
4. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки искусства Средней Азии. Древность исредневековье. – М.:Искусство». 1982. С. 185.
5. Культура и искусство древнего Узбекистана. Каталог выставки. Т. 1. – М. 1991. С. 275, рис. 275.; Т. 2. С. 58., рис. 456.; Беленицкий А.М. Монументальное искусство Панжикента. – М., «Искусство», 1973. табл. 46-49.
6. Фирсов С. Туркестан и Туркестанские породы лошадей. Туркестанский сборник. 478 том, С.110

7. Мусақулов А. Бойчибор илоҳий от. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. //1998 йил, №34 (34-70).
8. Орлова А. Казахский героический эпос. – М.-Л. 1945. С.85.
9. Bahaeddin Ögel (prof. Dr) Dünden bu'güne. Türk Kültürünün Gelişme Çağları нашри Türk Dünyası Araştırmaları Vakti. Istanbul – 1998. 786-б.
10. Bahaeddin Ögel (prof. Dr) Ўша асар.87-б.
11. Bahaeddin Ögel (prof. Dr) Ўша асар.786-б.
12. Тоҳир Карим Муқаддас Авесто изидан. – Т.: Чўлпон. 2000, 136-б.
13. Тилаб Маҳмудов «Авесто ҳақида». – Т.: Шарқ. 2000, 46-б.
14. Тилаб Маҳмудов Ўша асар, 47-б.
15. Хушбоқ Мардонакул ўғли Алпомиш. – Т.: Ёзувчи» 1998 йил 25,39-40, 43-44, 76-77-бетлар.
16. Пугаченкова В.А., Репель Л.И. Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана. – Т.: Искусство. 1960. С.56.
17. Усмон Турон. Туркий халқлар мафқураси. – Т.: Чўлпон 1995. 90-92-б.
18. Yuldoshev, S.V. (2021). Pedagogical Analysis And Methodology Of Children's Games. *The American Journal Of Social Science And Education Innovations*, 3(11), 36-40.
19. Valievich, Y.S. (2020). Children's Games As An Important Factor In The Upbringing Of A Harmonious Generation. *European Journal Of Research And Reflection In Educational Sciences Vol*, 8(9).
20. Valiyevich, Y.S., & Azamatjon, O. (2022). Theoretical And Practical Prospects For The Development Of Ethnoturism In Uzbekistan. *European Journal Of Innovation In Nonformal Education*, 2(4), 21-24.
21. Yo'ldashev, S., Dilshodjon, M. (2022). Ta'lim Tizimida Innovatsion Texnologiyalarining Ahamiyati. *Integration Of Science, Education And Practice. Scientific-Methodical Journal*, 3(6), 427-431.
22. Юлдошев С., Бобоев М. «Туркестанский сборник как важный источник в изучении истории Узбекистана». Актуальные проблемы истории Узбекистана, т. 1, вып. 1, январь 2023 г., сс. 461-7.

Йулдошев С. В.

PhD., доцент кафедры «История Узбекистана»
Ферганский государственный университет
salimjonyoldoshev46@gmail.com

КОНЕВОДСТВО В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ: ТРАДИЦИИ И ОПЫТ

АННОТАЦИЯ

Научные и полевые этнографические записи об истории возникновения коневодства, его хозяйстве, традициях и опыте, сложившихся на протяжении веков под влиянием природных условий, хозяйственных традиций и отшлифованных на этапах социально-экономического развития, позволяют глубже осознать этноисторические процессы. Раскрывается история коневодства, хозяйственные традиции, общность народных игр, связанных с лошадьми, происходящих из хозяйственных традиций, а также история улак-купкари и скачек, являющихся национальными и культурными ценностями тюркских народов.

Ключевые слова: Этнология, этническая специфика, обычаи, обряды, традиции, Куль Оба, самовитые лошади, синчи, судья, скачки, Аспа-барак, улак-купкари, голубые тюрки, хахан, земледелие, скотоводство, коневодство.

Yoldoshev S. V.

PhD., associate professor at the department of «History of Uzbekistan»
Fergana State University
salimjonyoldoshev46@gmail.com

HORSE BREEDING IN THE FERGANA VALLEY: TRADITIONS AND EXPERIENCE

ABSTRACT

Scientific and field ethnographic records on the history of horse breeding, its economy, traditions and experience, developed over the centuries under the influence of natural conditions, economic traditions and polished at the stages of socio-economic development, allow a deeper understanding of ethno-historical processes. The history of horse breeding, economic traditions, common folk games connected with horses, originating from economic traditions, as well as the history of ulak-kupkari and horse racing, which are national and cultural values of Turkic peoples, are revealed.

Key words: Ethnology, ethnic specificity, customs, rituals, traditions, Kul Oba, samovit horses, Sinchi, judge, horse racing, Aspa-barak, ulak-kupkari, blue Turks, Khakan, farming, cattle breeding, horse breeding.

Rahmonqulova Z.B.

«Manbashunoslik va arxivshunoslik» kafedrası proffesori., t.f.n.

O‘zbekiston Milliy universiteti

zumradrahmankulova@gmail.com

XX ASRNING 20-80 YILLARI TADQIQOTLARIDA O‘RTA OSIYO XONLIKLARI VA USMONIYLAR DAVLATI O‘RTASIDAGI IJTIMOY- SIYOSIY ALOQALARNING YORITILISHI

ANNOTATSIYA

Maqolada XX asrning 20-80 yillari tadqiqotlarida O‘rta Osiyo xonliklari va Usmoniylar davlati o‘rtasidagi ijtimoiy-siyosiy munosabatlarning yoritilishi masalasi mavzuga oid tadqiqotlar klassifikatsiya qilinib tadqiq etilgan. Shuningdek, mazkur davrga oid sharqshunoslar haqida ham ma’lumot berilgan.

Kalit so‘zlar: XX asr sharqshunoslari, V.A.Gordlevskiy, YE.A.Belyayev, A.S.Tveritina, A.M.Valuyskiy.

KIRISH

O‘rta Osiyo xonliklari bilan Usmoniylar davlati o‘rtasidagi ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy va madaniy aloqalar uzoq tarixga ega bo‘lib, davlatlar o‘rtasidagi uzviy aloqalar doimiy mustahkamlanib turgan. Davlatlar o‘rtasidagi ijtimoiy-siyosiy va madaniy munosabatlar tarixini o‘rganib keng ommaga yetkazish bugungi kunning muhim va dolzarb vazifalardan biri hisobladi. Ushbu tarixiy tadqiqotlar kelajakda davlatimizning tashqi strategik yo‘nalishlarini belgilash, siyosiy aloqalarni mustahkamlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Sovet davri sharqshunoslari o‘zlaridan oldingi davr tadqiqotchilarning an‘analarini davom ettirgan holda sharq davlatlari tarixini yoritgan bo‘lsalar-da, ularning metodologik asosini marksizm-leninizm g‘oyalari tashkil etgan. Ammo tadqiqotlar qaysi davrda amalga oshirilishidan qat’iy nazar, ularda ilmiylik mezonlari har doim ustun turgan. Ammo ularda o‘z davrining ilgari surilgan g‘oyalari bilan farq qiladi. Sovet davrida sharqshunoslarning bu turdagi tadqiqotlari asosan “Noviy Vostok”, “Revolutsionniy Vostok”, “Mejdunarodnaya jizn”, “Sovetskoye vostokovedeniye”, jurnallarida, Fanlar akademiyasining “Sovetskoye Vostokovedeniye”, “Uchenix zapisax”, “Trudax” nomli to‘plamlarida nashr etilgan.

O‘rta Osiyo xonliklarining Usmoniylar davlati munosabatlarida har doim uchinchi boshqa bir davlatning o‘rni bo‘lib, bular Rossiya yoki Eron hisoblanadi. O‘rta Osiyo xonliklarining elchilari Istanbulga Rossiya yoki Eron hududlari orqali

o'tgan. O'rta Osiyo hukmdorlari elchilarini Rossiya chegaralaridan o'tishlari uchun Rossiya hukumatiga iltimosnoma xatlar yozishgan. Shuning uchun O'rta Osiyo xonliklari va Usmoniylar davlati o'rtasidagi munosabatlarini masalasini tadqiq etishda Rossiya-Usmoniylar munosabatini masalalarini ham tadqiq etish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

TADQIQOTNING ASOSIY NATIJALARI

O'z navbatida Usmoniylar tarixi bo'yicha sovet davrida amalga oshirilgan tadqiqotlarni davriy turkumlashtirilgan holda tahlil etish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Shu maqsadda ularni: a) o'rta asrlar tarixiga oid tadqiqotlar, v) yangi va eng yangi davr tarixiga oid tadqiqotlar g) 1919-1922 yillardagi turk xalqining milliy ozodlik harakati, d) harbiy-tarixiy faoliyatiga oid, ye) Sovet-Turkiya munosabatlari tarixiga oid tadqiqotlar.

Birinchi turkum tadqiqotlariga V.A.Gordlevskiy, YE.A.Belyayev, A.S.Tveritinova, A.M.Valuyskiy, A.Shamsutdinov, M.V.Levchenko [1] lar tadqiqotlarini kiritish mumkin. Mualliflar o'z tadqiqotlarida Usmoniylar davlatining o'rta asrlardagi siyosiy, ijtimoiy, iqtisodiy, madaniy hayoti tarixiga oid ma'lumotlar tahliliga alohida e'tibor qaratishgan. Jumladan, V.A.Gordlevskiy tomonidan turk va fors tillaridagi manbalardan birlamchi manbalar sifatida foydalanib, Usmoniylar tarixi, tili, adabiyoti, folklor, etnografiyasini chuqur tadqiq etilgan. Muallifning XX asrning 60-yillarida nashr etilgan "Tanlangan asarlari"da bu masalalar o'z ifodasini topgan. Shuningdek, muallifning vafotidan keyin, to'liq tugallanmagan "XVI asrda Istanbul (Turkiya tarixidan sahifalar)" nomli bo'limi tanlangan asarlarida nashr qilingan.

Y.A.Belyayev tadqiqotida o'rta asrlarga oid Usmoniylar tarixini davrlashtirish, A.M.Valuyskiy imperiyadagi mavjud siyosiy tuzum, A.S.Tveritinova Usmoniylar davlatida umumiy tarixiy jarayonlar holatiga tavsif bergan bo'lsa, A.Shamsutdinov ta'lim tizimining tashkil etilishi masalalarini o'rgangan. Mazkur tadqiqotlarning tarixshunoslik tahliliga ko'ra, ularda Usmoniylar davlati ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy ahvol haqida keng ko'lamli ma'lumotlar birlamchi tarixiy manbalar asosida yoritilgan. Ammo yuqorida ta'kidlab o'tilgan tadqiqotlarda o'z davrining nazariy konseptual g'oyalar ta'siri seziladi. Ta'kidlash o'rinliki, V.A.Gordlevskiyning manbalar asosida yozgan tadqiqotlari o'z davrida boshqa ilmiy ishlar uchun manbaviy asos bo'lib xizmat qilgan.

Sovet sharqshunoslari Turkiyaning yangi va eng yangi davr tarixining turli jihatlarini batafsil ochib berishga harakat qilgan.

A.Boboxo'jayevning[2] tadqiqotlari va S.I.Aralovning[3] xotiralarida Antanta davlatlari tomonidan uyushtirilgan intervensiya natijasida iqtisodiy inqirozga yuz tutgan Turkiyaga Buxoro va Xorazm Xalq Sovet Respublikalari tomonidan

berilgan moddiy yordam, Turkiyaning RSFSRdagi elchisi Ali Fuad Jebesoyning faoliyati, RSFSR-Turkiya o'rtasidagi shartnoma tuzish masalalari yoritilgan.

Sovet tarixchilari tomonidan 1919-1922-yillardagi turk xalqining milliy ozodlik harakati masalalariga ko'proq e'tibor qaratilgan bo'lsa-da, izlagnishlar umumiy yondashuvlar va mafakuraviy nazorat asosida o'rganildi. Sovet hokimiyati tashkil etilgan dastlabki yillarda Turkiya bilan do'stona munosabatlarning o'rnatilishi, Turkiya tarixi sovet tarixchilarining dolzarb mavzularidan biriga aylandi. Natijada, Turkiyadagi milliy ozodlik harakati masalasiga bag'ishlangan dastlabki tadqiqot 1921 yilda M.P.Pavlovich tomonidan yaratildi. Muallif "Antanta Kichik Osiyoni bo'lib olishni rejalashtirmoqda va Turkiyaning eng ashaddiy dushmani Angliya" degan xulosaga keladi. M.P.Pavlovich Turkiyadagi milliy ozodlik kurashining harakatlantiruvchi kuchlari, 1921 yilda tuzilgan Sovet-Turkiya shartnomasi, Sivas, Erzurum kongresslari, Turkiyadagi kommunistik partiya rahbari Mustafa Subhining faoliyatini yoritib bergan.

Ta'kidlash lozimki, tarixdan ma'lum Rossiya imperiyasi va Usmoniylar davlati o'rtasida ko'plab urushlar bo'lib o'tgan. Ammo, XX asr boshlarida Angliya mustamlakachi davlat sifatida Rossiya uchun ham jiddiy raqib edi. Fuqarolik urushi davrida Angliya qo'shinlarining Kaspiy bo'ylarigacha kirib kelishi ham ikki davlat o'rtasidagi munosabatlarni yanada keskinlashuviga olib keldi. Natijada Angliya-Rossiya munosabatlariga oid tadqiqotlar ko'lami ortishiga sabab bo'ldi. Eng muhim jihati bu g'oyalar tadqiqotlarda yaqqol seziladi. Masalan, XX asrning 20-yillarida davriy matbuotda G.Astaxovning[4] turk milliy ozodlik harakati to'g'risidagi bir qator maqolalari va keyinchalik risolasi e'lon qilinadi. G.Astaxov "Sovet Rossiyasining Turkiyaga qilingan yordamini Anatoliyadagi har bir shaxs biladi. Bu xalqlar bir-birini yaxshi tanib, umumiy dushmanga qarshi birgalikda kurashdi" - deb yozadi. G.Astaxovning Turkiya milliy ozodlik harakati haqidagi qarashlari XX asrning 50-yillarida tarixchilar tomonidan "milliy ozodlik harakatiga yuqori baho berishda" ayblangan. Jumladan, B.Dansig "G.Astaxov milliy burjuaziya ozodlik harakatida tashkilotchi kuch ekanligini to'g'ri qayd etsa-da, turk burjuaziyasining inqilobiy xarakteriga oshirib baho bergan. Turk inqilobining avpik xarakterini ko'rmay, bu kurash to'liq g'alaba qozonmasdan muvaffaqiyatli bo'lganini" [5] ta'kidlagan. Fikrimizcha, G.Astaxov milliy ozodlik harakatiga to'g'ri baho bergan, chunki muallif bir yildan oshiq muddatda Turkiyada bo'lib vaziyatni ko'rgan holda voqealikni to'g'ri tahlil qilish imkoniyatiga ega bo'lgan. Mazkur masalani tahlil qilishda bir guruh tarixchilar G.Astaxovning fikr mulohazalarini qo'llagan bo'lsa, ikkinchi guruh tarixchilar uning fikrini tanqid qilgan. Jumladan, Irandust G.Astaxovning fikrini qo'llab "turk burjuaziyasi feodalizm ustidan g'alaba qozondi"[6] -deb yozadi. Bu davrda Sovet tarixchilari va

rahbariyatining aksariyat qismi Turkiya milliy ozodlik harakatiga “milliy burjuaziya” rahbarlik qilganligi uchun “uni haqiqiy inqilob emas” deb hisoblaganlar. A.Melnik[7] “Turk xalqining oldida turgan birinchi vazifa davlatini saqlab qolish edi. Milliy ozodlik harakatining asosiy harakatlantiruvchi kuchi dehqonlar bo‘lsada, ularga proletariat rahbarlik qilmagan. Turkiyada ishchilar juda ham kam sonli va siyosiy jihatdan kuchsiz bo‘lganligi uchun bu harakatning gegemoni bo‘lolmas edi. Mazkur milliy ozodlik harakatiga xalqning manfaatlarini himoya qilgan mahalliy burjuaziya rahbarlik qildi” - degan fikrni bildiradi. Muallif Turkiyadagi milliy ozodlik harakatiga ta’sir etgan omillar, mavjud siyosiy vaziyatga to‘g‘ri ta’rif bergan bo‘lsa-da, mavjud vaziyatni sovet davrining g‘oyaviy va sinfiy pozitsiyasidan turib o‘rganib noto‘g‘ri xulosa bergan. Mualliflar jamiyatga sovet mafkurasi hali to‘liq singdirilmaganligi sababli o‘z pozitsiyalarini tadqiqotlarida aks ettirgan. Ular haqiqiy milliy ozodlik harakatiga “milliy burjuaziya” emas balki proletariat, ishchilar rahbarlik qilish kerak deb hisoblaganlar.

Sovet tarixchilari tomonidan Turkiya tarixiga bag‘ishlangan tadqiqotlarni umumiy mazmuniga ko‘ra quyidagi guruhlariga ajratish mumkin: 1)siyosiy, 2)diplomatik, 3)iqtisodiy, 4)madaniy masalalarga, 5)tarixiy shaxslar yoritilgan tadqiqotlar.

Birinchi guruhdagi tadqiqotlarga bu ishni birinchilardan bo‘lib boshlab bergan M.Pavlovichning “Азия и её роль в мировой войне” monografiyasi kiritish mumkin. Muallif XX asr boshlarida dunyodagi keskin siyosiy vaziyatni batafsil ochib berishga harakat qilgan. Shuningdek, A.F.Miller, M.Dansig, I.L.Fadeyeva[8] tadqiqotlari Turkiyaning siyosiy tarixi, tashkil etilishi, davlat tuzumining ayrim jihatlari haqida ma’lumot berishi bilan ahamiyatlidir.

A.F.Miller tadqiqotlarida Usmoniylar davlatining tashkil topishi, yuksalishi, xususiyatlari, shakllanishidagi asosiy bosqichlar, mamlakatda olib borilgan islohotlarning mohiyati, imperiyani siyosiy tanazzuldan saqlab qolish uchun harakatlar, qulashi jarayonini, o‘rinli mulohazalar bilan ko‘rsatib o‘tadi. A.F.Miller o‘z davrida “markscha-lenincha metodologiyadan foydalanmasdan o‘rta asrlar Usmoniylar tarixini tadqid etishdagi noto‘g‘ri konsepsiyasi”, xorijiy adabiyotlardan foydalangani uchun “burjua tarix fani”ni targ‘ib qilganligi uchun tanqid qilingan edi. Bugungi kunda A.F.Miller tadqiqotlaridan Usmoniylar tarixini yorituvchi tarixchilar ilmiy nazariya sifatida foylanib kelinmoqda.

Ta’kidlash o‘rinliki, sovet tadqiqotchilari tomonidan amalga oshirilgan tarixiy tadqiqotlarda ko‘proq Turkiya tarixini yoritishda ehtiyotkorlik pozitsiyasidagi yondashuvlarni ko‘rish mumkin.

Usmoniylar davlati siyosiy tarixida jamiyatdagi o‘zgarishlar, tanazullarda “Yosh turklar” harakatining o‘rni masalasi Y.A.Petrosyan, G.Z.Aliyev,

I.L.Fadeyeva, A.Tveritinova, A.M.Valuyskiy[9]lar tadqiqotlarida ma'lumotlar ilmiy mulohaza, faktlar bilan berilgan bo'lsada, ayrim subyektiv yondashuvlarga yo'l qo'yilgan. "Yosh turklar"ning boshqa davlatlarga, jumladan O'rta Osiyo, Kavkaz hududlariga ta'siri, tarqalishi, oqibatlari masalasi alohida o'rganilgan.

Birinchi jahon urushi va Usmoniylar davlatining diplomatik munosabatlari masalasiga doir Y.F.Ludshuveyt, V.I.Sheremet, A.M.Shamsutdinov, T.Azimov [10]larning tadqiqotlari qator xorijiy adabiyotlar hamda ko'pgina arxiv ma'lumotlaridan foydalangani bilan qimmatli hisoblanadi. YE.F.Ludshuveyt sobiq diplomat, sharqshunos o'ndan ortiq xorijiy tillarni bilgan kamyob mutaxassis sifatida Usmoniylar davlatining birinchi jahon urushiga qatnashishi sabablari, oqibatlarini ko'plab xorijiy va mahallaiy arxiv manbalari va tadqiqotlarga tayangan holda yoritishga harakat qilgan. Muallif foydalangan manba va tadqiqotlarini turkumlarga ajratgan holda kompleks tarzda o'rganish orqali ilmiy yangi mulohazalar va xulosalarni bildirgan. Shu bilan birga ayrim ma'lumotlarni talqin qilishda bir yoqlama yondashuv kuzatilsa-da, "Usmoniylarning imperialistik davlatlar bilan bir guruhga kirib", Birinchi jahon urushiga qatnashgani ularga hech qanday foyda keltirmaganligi haqidagi fikriga qo'shilish mumkin.

G.Z.Aliyev yosh turklarning hokimiyat tepasiga kelishi, ularning davlat siyosati, Usmoniylarning birinchi jahon urushiga qo'shilishi va uning salbiy oqibatlari bevosita mamlakatning ichidagi siyosiy jarayonlar bilan bevosita bog'liq bo'lganligi ta'kidlanadi.

Tarixiy tahlillar asosida fikr bildirish mumkinki, sovet tarixchilari SSSR-Turkiya munosabatlarida hududiy masalalarda ham tarixiy jihatdan aniq kelishuvlar asosida hal etilganligi va ushbu tarixiy masalalarga muhim tarixiy hujjatlar borligi haqida eslatma tadqiqot sifatida ham baholash mumkin. Chunki, XX asrning 30-yillarida Turkiya Respublikasining Yevropa davlatlari bilan hamkorlik aloqalarini tobora kuchayib borishi va sovet hokimiyati bilan farqli ikkita yo'ldan ketayotganligini ko'rsatayotgandek edi.

I.L.Fadeyeva tadqiqotlarida Salim III ning taxtga chiqishi va olib borgan siyosati, islohatlari, xalqaro shartnomalar va ularning ahamiyatini ko'rsatib beradi. Usmoniylar davlati tarixidagi og'ir ana shunday bir siyosiy davrda Salim III (1789-1808) taxtga chiqadi. U qo'shinlarining Yevropa harbiylaridan taktik jihatdan orqada qolganligini va askarlarining oz sonli bir qator Yevropa davlatlari askarlaridan yengilganligini tan olib, zamonaviy maxsus qo'shin-«Nizomi-jadid»ni tashkil qildi[11]. Uning hukmronligi davrida London, Parij kabi katta shaharlarda Usmoniylar davlatining doimiy elchixonalari faoliyat olib bordi. Salim III ning islohotlari Yevropa va turk tarixchilari tomonidan ijobiy baholanib kelinmoqda. U siyosiy va harbiy jihatdan "yemirilib borayotgan" davlatni qutqarish uchun butun imkoniyatlarini ishga soldi[12].

XULOSA

XVIII asrning oxirlariga kelib Usmoniylar Oʻrta Osiyo xonliklari bilan ijtimoiy-siyosiy aloqalarni kuchaytirishga alohida eʼtibor qaratdi. Yevropada XVIII asrning ikkinchi yarmida boʻlib oʻtgan voqealar Usmoniylar davlatiga oʻz taʼsirini oʻtkazmasdan qoʻymadi. Usmoniylar va Rossiya manfaatlari Oʻrta Osiyo masalasida oʻzaro toʻqnashdi. Usmoniylar Oʻrta Osiyo xonliklari bilan munosabatlarini mustahkamlashga amaliy elchilik aloqalarini kengaytishga harakat qildi.

XX asrning 60-yillarda mavzu doirasidagi tadqiqotlarida keskin oʻzgarishlar kuzatiladi. Jumladan, sovet tarixchilarning Usmoniylar davlatining oʻrta asrlar tarixiga oid izlanishlar koʻlami oshgan. Fikrimizcha, maʼmuriy-buyruqbozlik tizimining toʻsiqlari kasbiga sodiq sharqshunoslarning ilmiy faoliyatlariga toʻsqinlik qila olmadi.

FOYDALANILGAN MANBA VA ADABIYOTLLAR ROʻYXATI

1. Гордлевский В. А. Избранные сочинения. Т. 1. Исторические работы. - М., 1960; Т. II. Язык и литература. -М., 1961; Т. III. История и культура. -М., 1962; Т. IV. Этнография, история востоковедения, рецензии. -М., 1968; Государства Сельжукидов Малой Азии. -Л.,1941: Беляев Е.А. Периодизация средневековой Турции // Известия Академии наук СССР, серия история и философия.Т. IV, №1. -М., 1947: Тверитинова А.С. Восстание Кара Языджи Дели Хасана в Турции. -М., 1946: Валуйский А.М. Феодалный строй Турции в XV-XVI вв. -М., 1939: Шамсутдинов А. К вопросу об образовании Османского княжества // Труды Московского института востоковедения, 1947, №5: Левченко М.В. Завоевание турками Константинополя в 1453 года // Сборник Византийский временник. Т.7. -М., 1953.

2. Бабаходжаев А.Х. Средняя Азия и Турция в годы освободительной борьбы турецкого народа против интервенции Антанты // Общественные науки в Узбекистане. 1961. №12. С.20-29.

3.Аралов С.И. Воспоминания советского дипломата. -М., 1960;

4.Астахов Г. От султана к демократической Турции (Очерки из истории кемализма). -М-Л., 1926.

5.Данциг М. Изучения истории, экономики и географии Турции. -М.: Издательство Восточной Литературы. 1958. С.7-8.

6.Ирандуст. Движущие силы кемалистской революции. -М., Л., 1927;Ўша муаллиф : Турция. -М., 1937.

7. Мельник А. Республиканская Турция. -М., Л., 1928. С.18-19.

8. Миллер А.Ф. Турция. Актуальные проблемы новой и новейшей истории. -М.: ИВЛ. 1983; Данциг Б.М. Турция. -М., 1940; Данциг Б.М. Турция. -М., 1940; Фадеева И.Л. Османская империя и англо-турецкие отношения в середине XIX в.-М., 1982.

9. Петросян Ю.А. Младотурецкое движение. -М.: Наука. 1971; Новые Османы и борьба за конституцию 1876 г. в Турции. -М.: ИВЛ. 1958; Алиев Г.З. Турция в период правления младотурок (1908-1918 гг). -М.: Наука.1972; Фадеева И.Л. Официальные доктрины в идеологии и политике Османской империи. -М.: Наука. 1985; Тверитинова А.С. Младотурки и пантюркизм. - М., 1946; Валуйский А.М. К вопросу о создании первых младотурецких организаций // Ученые записки института Востоковедение.-М.:Издательства АН СССР.1956. С.197-221.

10.Лудшувейт Е.Ф. Турция в годы первой мировой войны. -М.: Издательство МГУ. 1966; Шеремет В.И. Османская империя Западная Европа. -М.:Наука.1986; Шамсутдинов А.М. Национально-освободительная борьба в Турции. -М.: Наука.1966; Азимов Т. К истории советско-турецких отношений // Общественные науки в Узбекистане. 1966.№6. С.26-31. Лудшувейт Е.Ф. Турция в годы первой мировой войны. -М.: Издательство МГУ. 1966.С.313.

11.Фадеева И.Л. Официальные доктрины в идеологии и политике Османской империи. -М.: Наука. 1985. С. 25

12. Миллер А.Ф. Мустафа Паша Байрактар. - М.: АН СССР. 1947. С.150.

Рахманкулова З.Б.

к.и.н., профессор кафедры «Источниковедения и архивоведения»

Национальный университет Узбекистана

zumradrahmankulova@gmail.com

ИЗУЧЕНИЕ ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ СРЕДНЕАЗИАТСКИХ ХАНСТВ С ОСМАНСКОЙ ИМПЕРИЕЙ В 20-80- ГОДЫ XX ВЕКА

АННОТАЦИЯ

В статье систематизированы и изучены исследования по теме освещения социально-политических отношений среднеазиатских ханств и Османского государства в исследованиях 20-80-х годов XX века. Также даны сведения о востоковедах этого периода.

Ключевые слова: востоковеды XX века, В.А.Гордлевский, Е.А.Беляев, А.С.Тверитинова, А.М.Валуйский.

Rahmankulova Z.B.

PhD., professor at the department of «Source studies and archival science»

National university of Uzbekistan

zumradrahmankulova@gmail.com

**STUDY OF SOCIO-POLITICAL RELATIONS OF THE CENTRAL
ASIAN KHANATES WITH THE OTTOMAN EMPIRE IN THE 20-80S OF
THE 20TH CENTURY**

ABSTRACT

The article systematizes and examines studies on the topic of coverage of socio-political relations of the Central Asian khanates and the Ottoman state in studies of the 20-80s of the 20th century. Information about orientalists of this period is also given.

Keywords: orientalists of the 20th century, V.A. Gordlevsky, E.A. Belyaev, A.S. Tveritinova, A.M. Valuyskiy.